

**Мавзу: Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари тарихий географияси
(V-XIII аср бошлари).**

**Мавзу: Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари тарихий географияси
(V-XIII аср бошлари).**

ТОШКЕНТ 2017

Режа

Кириш

1 БОБ. Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги .

1.1. Мавзу манбашунослиги таҳлили.

1.2. Мавзу тарихшунослиги: ютуқ ва муаммолар.

**2 БОБ. Қашқадарё воҳасининг илк ва ривожланган ўрта асрлар
даври тарихий географияси.**

2.1. Кеш вилоятининг тарихий географияси.

2.2. Насаф вилоятининг тарихий географияси

3 БОБ. Сурхон воҳасининг ўрта асрлар даври тарихий-географияси.

3.1. Термиз шаҳри ва вилоятининг тарихий географик шарҳи

3.2. Соғониён ва унинг тарихий географик чегаралари.

Хулоса.

ФАР.

Иловалар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон тарихини, миллий маданий меросни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши тарих фани олдида катта вазифалар юкламоқда¹. Тарихий географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг “юраги” ҳисобланган Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини яратиш муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга масаладир. Бугунги тарихий тадқиқотларда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим натижаларни қўлга киритишда тарихий

¹Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарк, 1998; Ўша муаллиф. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

географик йўналишдаги изланишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Тарих фанининг муҳим таркибий қисми ҳисобланувчи тарихий география тарихий-маданий ўлкаларнинг географик ва сиёсий чегаралари, уларнинг ўзгариши сабабларини аниқлашда, қадимги жой номлари - топонимлар, гидронимлар, этнонимларни бугунги мавжуд ҳолат билан қиёслаган ҳолда илмий хулосалар чиқаришда, табиий муҳитдаги ўзгаришлар ва унга боғлиқ жараёнларни, карвон йўллари йўналишларини, аҳолининг географик жойлашуви, шаҳарлар ва бошқа манзилгоҳларининг ривожланиш ёки инқироzi сабабларини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўрта асрларда Суғдиёна ва Шимолий Тоҳаристон ўлкалари Марказий Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Шу сабабли ҳам бу ўлкаларнинг, яъни Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари – Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг ўрта асрлардаги тарихий географиясини ёритиш долзарб илмий масала сифатида қараб келинади.

Мавзунинг долзарблиги мавжуд маълумотларни янги концептуал-услубий асосда тизимлаштириш ва умумлаштириш, ўрганилаётган муаммога тегишли илмий қарашлар ва концепцияларни қиёсий таҳлил этиш, маълумотларни илмий доираларга киритиш учун интерпретация қилиш зарурияти билан ҳам белгиланади.

Тадқиқотнинг даврий чегаралари. Магистрлик ишининг даврий чегаралари илк ўрта асрлардан то XIII аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Бу Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган тарихий воқеалар: Эфталитлар давлати ва Турк ҳоқонлигининг ташкил топиши билан бошланиб, араблар босқини ва ислом динининг кириб келиши, араб халифалиги ва расман унинг таркибида бўлган маҳаллий сулолалар ҳукмронлик қилган катта тарихий даврга хос ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиёт жараёнларининг ўлка тарихий

географиясидаги ўзгаришларда тутган ўрнини яхлит илмий мавзу доирасида таҳлил қилиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиёдаги муҳим тарихий-маданий ўлкаларидан бўлган Суғдиёна ва Тоҳаристонни тарихий географик аспектда ўрганиш асосан XIX аснинг охирларидада бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. Тадқиқотларнинг хусусиятидан ва нашр қилиниши даражасидан келиб чиқиб, мавзу тарихшунослиги қуйидаги бир қанча даврга бўлинган ҳолда кўриб ўтилган: 1) XIX аснинг охири – XX аср бошлари; 2) XX аснинг 20–80-йиллари; 3) Мустақиллик даврида мавзунинг ўрганилиши; 4) Хориж тарихшунослигида муаммонинг талқини².

Тадқиқотнинг манбавий асосларини Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида, хусусан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида ва қўшни ҳудудларда олиб борилган тарихий-археологик тадқиқотлар натижалари, ўрта асрлар даврида яратилган хитой, византия, араб, форс, туркий ва бошқа тилларида яратилган ёзма манбалар ҳамда илмий адабиётлар маълумотлари ташкил этади. Собиқ совет даврида ва мустақиллик йилларида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари, илмий адабиётлар маълумотлари ҳам ишнинг муҳим манбавий асосини ташкил этди.

Мавзуни ёритишда муҳим ўрин тутган манбаларни ҳудудий ва даврий жиҳатдан классификация қилиш тадқиқотимизнинг олдида қўйилган вазифалардан бири бўлганлиги сабабли, бу масалалар ишимизнинг биринчи бобида, махсус бўлимда кўриб ўтилган.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Тарихий манбалардан комплекс фойдаланилиш ва тизимлаштириш асосида жанубий Суғдиёна ва Шимолий Тоҳаристоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги тарихий-

² Мавзу муҳимлигидан келиб чиқиб, бу масала тадқиқотимизнинг биринчи бобида махсус кўриб чиқилади.

географиясига тегишли маълумотларни илмий таҳлил қилиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, ишда қуйидаги илмий вазифаларни ҳал этиш режалаштирилган:

– Ўрта асрлар даврида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари тарихи ва тарихий-географик чегаралари, шаҳар ва бошқа аҳоли манзилларининг жойлашуви, аҳолиси, хўжалик турларининг табиий муҳитга мос жойлашуви масалалари ёритилган ёзма манбалар ва илмий асарлар маълумотларини тўплаш, ўрганиш ва тарихий-қиёсий таҳлил қилиш;

– Қашқадарё воҳаси, қадимги Жанубий Суғднинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даврини географик ва тарихий аспектда ўрганиш, худудни аҳоли ва хўжалик турлари, табиий шароитдан келиб чиқиб туманлаштириш, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган ўрнини тадқиқ этиш;

– Шимолий Тоҳаристоннинг муҳим икки вилояти – Термиз ва Чағониён/Соғониённинг ўрта асрлар даврига оид бош шаҳарлари, манзилгоҳлари, чегаралари ва тарихий географиясига тегишли барча маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, илмий хулосалар ишлаб чиқиш;

– археологик ва ёзма манбалар маълумотларини, янги тўпланган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш ва натижаларни фанга жорий этиш;

Тадқиқот объекти. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида илк ўрта асрлардан то мўғуллар босқинигача бўлган даврда тарихий географик жараёнларни таҳлил этиш.

Тадқиқот предмети. Тарихий-археологик маълумотлар, ёзма манбалар ва тарихшунослик маълумотлари.

Тадқиқот услублари: Тарихий маълумотларни тизимлаштириш, муаммоларни комплекс умумлаштириш, тарихий-қийосий таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, холислик тамойиллари, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш концепцияси.

Тадқиқот услубий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг тарихимиз ҳақида билдирган фикрлари, илгари сурган концептуал-методологик хулосаларига таянган ҳолда амалга оширилди. Жанубий Суғдиёна (Қашқадарё вилояти) ва Шимолий Тоҳаристон (Сурхондарё вилояти)нинг тарихий географиясига оид тадқиқотлар натижаларидан ватанимиз тарихини холисона, манбалар асосида ҳаққоний ўрганиш тамойилларига амал қилинган ҳолда фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Жанубий Ўзбекистоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий географияси бўйича ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган маълумотларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Ишда Жанубий Суғдиёна (Қашқадарё вилояти) ва Шимолий Тоҳаристон (Сурхондарё вилояти)нинг тарихий-географик шароитлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга, аҳоли демографиясига таъсири, аҳоли пунктлари, шаҳар ва қишлоқларнинг географик жойлашуви, чегаралари яхлит илмий мавзу сифатида тадқиқ этилди.

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб ва олти бўлим, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишга мавзуга тегишли хариталар ва жадваллар илова қилинган.

I БОБ. Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги таҳлили.

1.1. Мавзу манбашунослиги.

Тадқиқотнинг манбавий асосларини яратилиш даври ва хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги икки қисмга бўлиб чиқиш мумкин:

1. Илк ва ривожланган ўрта асрларга мансуб хитой, византия, араб, форс, туркий ва бошқа тилларида яратилган ёзма манбалар маълумотлари;

2. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, яъни Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида олиб борилган тарихий-археологик тадқиқотлар натижалари ҳамда илмий адабиётлар маълумотлари ташкил этади³.

Мавзуни ёритишда муҳим ўрин тутган ёзма манбаларни ҳудудий ва даврий жиҳатдан қуйидагича классификация қилиш мумкин:

1. Хитой манбалари. Мавзу манбашунослигида ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасига турли мақсадларда ташриф буюрган Хитой сайёҳлари томонидан ёзилган ҳисобат асарлар, кундаликлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай саёҳатлар ва уларнинг натижалари акс этган асарлар айниқса илк ўрта асрлар даврида кўплаб пайдо бўлди. Бу даврга мансуб Хитой манбаларида Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалар бўлган Жанубий Суғдиёна ва Шимолий Тоҳаристон мулклари, шаҳарлари, қўрғонлари, қишлоқлари, уларнинг жойлашуви, чегаралари ва бошқа тарихий географик жиҳатдан катта илмий аҳамиятга эга маълумотлар мавжуд⁴.

Ўрта асрларга мансуб Хитой манбалари ичида илк ўрта асрларда Хитойда ҳукмронлик қилган сулолалари тарихи ёритилган манбалардаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ичида “Бэйши”⁵, “Суйшу”⁶ ва Таншу⁷ каби расмий сарой салномалари ҳамда Хитойдан Марказий Осиё ва Ҳиндистонга саёҳат қилган Будда роҳиблари кундалик асарларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Хитойдан махсус топшириқ билан саёҳат қилган элчилик миссиялари аъзоларига (улар “Хинь-жэнь” деб аталган), ҳатто Будда роҳибларига ҳам саройдан махсус топшириқ берилар, унга кўра саёҳат давомида борилган ўлкалар ҳақида имкон даражасида кенгроқ маълумот тўплаш шарт эди.

³ Уларнинг натижалари ушбу бобнинг 2-фаслида, мавзу тарихшунослиги доирасида кўриб ўтилади.

⁴ Бу манбалардаги маълумотлар дастлаб И.Н. Бичурин томонида XIX асрда рус тилига таржима қилиниб илмий муомалага киритилган эди. Биз ёритилаётган мавзуга тегишли маълумотларни бу (Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч. II. ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларидан олдик.

⁵ “Бэйши” – IV-VI асрларга оид манба. Унда Вэй сулоласи (386-557), Бэй-Чжоу (557-587) ва Бэй-Ци (550-557) ва бошқа сулолалар даври тарихи акс этган.

⁶ Суйшу – Суй сулоласи тарихи. Бу сулола 589-618 йилларда ҳукмронлик қилган.

⁷ Таншу – Тан сулоласи тарихи. Бу сулола 618-907 йилларда ҳукмронлик қилган.

Кичик Хан сулоласи даврида Хитойнинг “Ғарбий ўлкалар”, яъни Марказий Осиё ўлкалари билан алоқалари унчалик изчил ривожланмаган бўлиб, айрим ҳукмдорлар бу алоқалар Хитой учун анча серхаражат ва кераксиз деб ҳисоблар эди. Бунга олиб келган сабаблар ичида Хитойда ва Марказий Осиёда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, йирик салтанатларнинг емирилиши ва тарих сахнасига ўзаро зиддиятда бўлган ва бир-бирини кетма-кет йўқотиб турган кичик подшоликларнинг чиқиши, “Буюк ипак йўли” бўйлаб иқтисодий ва маданий алоқаларнинг заифлашиши, карвон йўлларида элчилар, савдо карвонлари ва саёҳатчиларнинг хавфсизлиги таъминланмаганлиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолат то V аср ўрталаригача сақланиб қолди.

VI аср ўрталарида Хитойнинг ғарбида Бэй Чжоу (Вэй) сулоласи (557-587 йй), шарқида Бэй Ци (550-557) сулоласи даврида “Ғарбий ўлкалар” билан алоқаларни тиклаш бошландики, бу Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган сиёсий жараёнларни, хусусан, Эфталитлар давлатининг пайдо бўлиши ва қудратининг ошиб боришини Хитой ҳукмрон доиралари эътиборсиз қолдирмаганлигини кўрсатади.

“Бейши”нинг 97 бобида, “Суйшу”нинг 83 бобида, “Таншу”нинг 221 бобида Ғарбий ўлкалар, яъни Марказий Осиёдаги мамлакатлар тарихи ва тарихий географиясига тегишли муҳим маълумотлар мавжуд. Улар ичида биз кўриб чиқаётган мавзуга – Жанубий Суғднинг Кеш (Ши, Кюйша) шаҳри ва унинг рустаклари, Нашебо (Нахшаб) ва Шимолий Тоҳаристон (Тухоло)нинг, хусусан, Чағониён ва Термиз мулклари худуди, тарихий-географик шароитлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, аҳолиси ва хўжалиги, шаҳар ва қишлоқларининг географик жойлашуви, чегаралари ҳақида маълумотлар катта аҳамиятга эга. Улардаги маълумотлардан тадқиқотимиз давомида тарихий-қиёсий таққослаш услубида фойдаландик.

Мавзуни ёритишда илк ўрта асрларда, хусусан Тан сулоласи даврида (618-907 йй.) Хитойдан Марказий Осиё ва Ҳиндистонга саёҳат қилган Будда роҳиблари кундалик асарларидаги тегишли маълумотлардан ҳам кенг фойдаланилди. Илк ўрта асрларда Ҳиндистондаги Будда зиёратгоҳларини кўриш мақсадида Хитойдан сафарга чиқан Будда монахлари ўз саёҳатлари тафсилотларини кундаликлар тарзида қайд этиб борганлар. Бугунги кунда уларнинг саёҳатлари қайдларига ўта муҳим тарихий манба сифатида қаралади. Ана шундай асарлар ичида Тан сулоласи даврида, аниқроғи 630 йилда Жанубий Ўзбекистон ҳудуди орқали Ҳиндистонга ўтган Сюань Цзаннинг “Да Тан Сиюй цзи” (“Сюан Цзиннинг саёҳати қайдлари”) ҳамда 723-727 йилларда Хитойдан сув йўли орқали Ҳиндистонга, бу ердан Тоҳаристон ва Суғдиёна (кейинчалик Фарғона ва Шарқий Туркистон) орқали юртига қайтган корейлик Будда монахи У Куннинг “У Кун жу Чжу цзи” (“У Куннинг Ҳиндистонга саёҳати қайдлари”) асарларидаги маълумотларни алоҳида қайд қилиб ўтиш мумкин⁸. Улар ва шу турдаги бошқа асарлар Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар даври тарихи ва тарихий географияси бўйича муҳим манбавий асос ҳисобланади.

2. Византия манбалари. IV-VI асрларда Византиялик тарихчилар томонидан яратилган асарларда ҳам мавзуга аниқлик киритувчи айрим маълумотлар учрайди. Улар илк ўрта асрларда минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва халқаро муносабатлар, жумладан Суғд ва Тоҳаристоннинг Хитой, Эрон билан халқаро муносабатлари, шаҳарлари, аҳолиси, карвон йўллари йўналишлари ва

⁸ Каримова Н. Сведения Хуэй Чао по истории Центральной и Южной Азии // Востокovedения. № 1. 2015. – С. 45-51..

бошқа тарихий географий йўналишдаги маълумотлар мавжудлиги билан қимматлидир⁹.

3. IX-XIII асрлар даври араб-форс манбалари. IX-XIII аср бошларида Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкалар ҳақида муҳим тарихий географик маълумотларга бой бўлган асарлар яратилди. Илк ўрта асрларнинг сўнгги босқичидан бошлаб араб сайёҳлари ва географлари халифаликнинг шарқий , шу жумладан Суғдиёна ва Тоҳаристон ҳудудларига саёҳат қилиб, бу ўлкалар ҳақида муҳим маълумотларни ўз ичига олган асарлар ярата бошладилар. Тарихий географик йўналишда ёзилган бу асарлар ўз даврида амалий аҳамиятга эга бўлган, яъни халифаликнинг Мовароуннаҳр ўлкасига нисбатан олиб борадиган иқтисодий сиёсатини, биринчи галда, солиқ сиёсатини ишлаб чиқишга, коммуникация йўллари, шаҳарлар, аҳолининг жойлашуви, анъанавий хўжалик турлари, фойдали қазилмалари ва бошқа тегишли ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилган. Араб мусулмон география фани шаклланган ва юксак ривожланган бу даврда яратилган асарларда Ўрта Осиёнинг барча ўлкалари ва уларнинг чегаралари, табиий географик шарт-шароитлари, шаҳар ва қишлоқлари, аҳолиси ва хўжалиги, минтақа ҳудудининг деярли барча ўлкалари орқали ўтган савдо йўлларининг асосий йўналишлари, муҳим довонлар, кечувлар, ички ва ташқи бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, конлар ва фойдали қазилмалар турлари, савдо ва ҳунармандчилик марказларига тегишли бой маълумотлар мавжуд. Хусусан, Ибн Хурдодбех¹⁰, ат-Табарий¹¹,

⁹ Прокопий Кесарийский. История войн римлян с персами / Перевод с греческого С. Дестуниса. – СПб., 1876. Ч.1.

¹⁰ Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. (Китоб ал масалик ва-л мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Боку: Элм, 1986.

¹¹ Абу Джа'фар Мухаммад бин Джарир бин Йазид бин Касир бин Галиб ат-Табари. Тарихи Табари ("История" ат-Табари). Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Бальшакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987.

Истахрий¹², Ибн Хавқал¹³, Муқаддасий¹⁴, Абу Дулаф¹⁵, ас-Самоний¹⁶ ва бошқаларнинг тарихий географик йўналишда ёзилган асарларида Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг тарихий географиясига оид бой маълумотларни учратиш мумкин. Мавзуга тегишли айрим маълумотлар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг (780-847 йй.) “Сурат ал Арз”¹⁷, муаллифи номаълум “Худуд ал-олам” асарида¹⁸, шунингдек, Маҳмуд Кошғарий¹⁹, Беруний²⁰ ва бошқа маҳаллий муаллифлар асарларида ҳам мавжуд. Бу асарлар гарчи биз тадқиқ этаётган давр – илк ўрта асрлардан кейинги даврда ёзилган бўлсада, уларда Эфталитлар ва Турк ҳоконлиги, шунингдек араблар истилоси даврида Ўрта Осиёнинг тарихий ўлкалари ва уларнинг тарихий географиясига тегишли муҳим маълумотлар келтирилган.

Марказий Осиёлик улуғ мутафаккирлар ичида биринчилардан бўлиб Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий дунё минтақаларининг географик жойлашуви масаласига бағишланган йирик илмий асар яратди. Бу асарнинг дунё географияси ривожига тутган аҳамиятидан келиб чиқиб, бу асар яратилиши масаласига қисқача тўхтаб ўтамиз.

¹²[Ал-Истахри]. Извлечения из “Китаб месалик ал-Мемалик” ал-Истахри / Перевод с персидского С. Волина // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Под редакцией С.Л. Волина, А.А. Ромаскевича и А.Ю. Якубовского. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1939. Т. I. – С. 167-181; [Ал-Истахри]. Извлечения из “Китаб масалик ал-Мамалик” ал-Истахри // Перевод с персидского З.Н.Ворожейкиной, Я. Крапольского // Материалы по истории киргизов и Киргизии. – М, 1973. – С. 29-40.

¹³ Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля / Перевод Е.К. Бетгера // Труды САГУ. Археология Средней Азии. IV.– Ташкент: Изд-во САГУ, 1957. Вып. CXI – С. 13-40; Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) / Introduction et traduction par J. H. Kramers et G. Wiet. – Paris: Maisonneuve et Larose, 2001.

¹⁴ Shamsaddin Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descripio imperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje. Lugduni – Batavorum apud E. J. Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. III.

¹⁵ Григорьев В.В. Об арабском путешественнике X в. Абу Дулафе, и странствовании его по Средней Азии // Журнал Министерства народного просвещения. – СПб., 1872. – № 9. – С. 1- 45.; Abu-Dulaf Mis'ar ibn Muhalhil's Travels in Iran (circa A.D.950) / Arabic text with English traslation and commentary by V. Minorsky. – Cairo, 1955.

1. ¹⁶ Камалидинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Са’да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993.

¹⁷ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Ташкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 10-20.

¹⁸ Hudud al-‘Alam (The regions of the world) a Persian geography / Translated and explained from the Persian by V. Ninorsky. – London, 1970.

¹⁹ Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1960. Т. I.

²⁰ Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А.Расулов. Изоҳларни И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. – Тошкент: Фан, 1968. Т. I.

Мусо ал-Хоразмий қадимги Шарқ цивилизациясининг йирик марказларидан бири бўлган Хоразмда туғилиб, дастлабки таълимни ўз юртида олган. Вояга етгач халифалик пайтахти бўлган Бағдодда таҳсилни давом эттирган. Мусо ал-Хоразмий халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун даврида Бағдодда “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) ташкил этилишида ва самарали илмий фаолияти йўлга қўйилишида фаол иштирок этган.

Маълумки, “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)га жалб этилган олимлар ичида Мусо ал-Хоразмийдан ташқари улуғ мутафаккир ватандошларимиз ал-Фарғоний, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдулла Марвазий ва бошқалар ҳам бўлган.

Халифа Маъмун томонидан олимларга дунё мамлакатларининг батафсил харитасини тузиш топшириғи ҳам берилгани маълум. “Жаҳон хариталари”, яъни дунё атласини тузишга 70га яқин олимлар жалб этилган бўлиб, уларга Мусо ал-Хоразмий раҳбарлик қилган. Яратилган хариталар “Маъмун дунё харитаси” номи билан ҳам маълум. Мусо ал-Хоразмийнинг “Сурат ал- Арз” асари ушбу хариталарга ўзига хос шарҳ тарзида яратилган деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу асар “Хоразмий географияси” номи билан машҳур бўлган таълимотга асос соган.

“Сурат ал-Арз” бир неча ўнлаб хариталар ва уларга берилган изоҳномалардан иборат бўлиб, улар умумий ном билан “Китобу сурат ал-Арз” (“Арз” – ер, дунё, “Сурат” – қиёфа, кўриниш, кенг маънода география маъносида) деб аталган. Асарнинг иккинчи номи “Китобу расм ар-руб ал-маъмур” (“Маъмуранинг расми”, “Аҳоли яшайдиган чорак расми”) деб юритилган²¹.

²¹ Бу асар бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, унинг фақат битта қўлёзмаси топилган. Атласдан фақат 4 харита сақланиб қолган. Бу қўлёзма 1878 йилда Қоҳирада топилган бўлиб, француз мустамлакачилари томонидан Францияга (Страсбург шаҳри кутубхонасига) олиб кетилган.

“Сурат ал-Арз”даги изоҳлар яхши сақланиб қолган бўлиб, улар зиж, яъни изоҳлар жадвали шаклида ёзилган. Китобнинг ҳар бир бетидан 2 қатор жадвал берилиб, унда дунё ҳудудлари иқлимларга бўлиб жойлаштирилган. Дастлаб шаҳарлар, тоғлар (203), денгиз ва ороллар, дарёлар номи (жами 537 та ном) ғарбдан шарққа қараб кетма-кетликда ёзиб чиқилган.

Мусо ал-Хоразмийнинг “Сурат ал- Арз” асари ислом ўйғониш даврида яратилган мукаммал илмий асарлар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дунё география фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йирик географ олим, Бухорода яшаб ўтган яна бир улуг ватандошимиз Абу Абдула Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Жайҳоний (870-942 йй.) томонидан ҳам йирик географик асар яратилган. Жайҳоний Самонийлар саройида вазир мақомида фаолият юритгани, илм-фанга ҳомийлик қилгани, хусусан машҳур олим Абу Зайд Балхийни қўллаб-қувватлагани, машҳур араб сайёҳи ибн Фадланни 921 йилда Бухорода кўтиб олгани ва меҳмон қилгани, ўзи ҳам табиий фанларнинг бир қанча соҳаларига оид асарлар ёзгани маълум. Улар ичида тахминан 907-922 йиллар оралиғида ёзилган катта ҳажмли географик асари муҳим ўрин тутди.

Машҳур араб географи Муқаддасий (947-1000 йй.) кутубхонада Жайҳонийнинг 7 жилдлик географияга бағишланган китобини кўрганлигини қайд этган. Бу китоб ҳақида Абу Райҳон Беруний ҳам ўзининг машҳур “Асор ал-Боқия” асарида маълумот бериб, унинг “Китоб ал-масолик вал-мамолик” (“Масофалар ва мамлакатлар китоби”) номи билан аталишини ёзиб қолдирган²². Жайҳонийнинг бу асари X-XII асрларда ислом дунёсида жуда ҳам машҳур бўлиб, ундан Беруний, “Ҳудуд ал-олам” асарининг номаълум муаллифи, ибн Руста, ал-Бакрий,

²² Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А.Расулов. Изоҳларни И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. – Тошкент: Фан, 1968. Т. I.

Гардизий, Идрисий ва бошқалар ҳам фойдаланганлар. Жайҳонийнинг бу китоби ўз навбатида ибн Хурдодбехнинг “Китоб ал масалик ва-л мамалик” асари асосида яратилганлигини тадқиқотчилар эътироф этишган²³.

Жайҳонийнинг бу асарида Мовароуннаҳр ўлкаларининг географик ҳолатига тегишли қизиқ маълумотлар ҳам кенг ўрни олган. Масалан, унда Бухоро билан Деҳинов орасида жойлашган бир қишлоқдаги тепаликни хазина қидирувчилар қавлашганида, у ердан сув отилиб чиққани ва у узоқ вақт тўхтамасдан отилиб тургани ҳақида маълумот келтирилган.

Абу Райҳон Беруний ҳам “Осор ул-боқия” асарида кўп бор Жайҳонийга мурожат қилиб, “Ал-Жайҳоний ривоят қиладики...”, “Жайҳоний айтадики...” деган иқтибослар билан географик маълумотларни келтириб ўтади.

Умуман олганда, Жайҳоний асарида шарқ мамлакатларининг тарихий географияси таърифига катта ўрин берилган. Унда Марказий Осиё ўлкалари, хусусан, Мовароуннаҳр ва Хоразм, Хуросон ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Машҳур рус олими И.Ю.Крачковскийнинг фикрича, Жайҳонийнинг мазкур асари кўплаб янги маълумотларга бой бўлиб, ундаги Ғарб мамлакатлари тўғрисидаги маълумотлар Шарқ олимлари учун, Шарқ ўлкалари ҳақидаги маълумотлар ғарбликлар учун кўплаб янги географик материал берган.

Ривожланган ўрта асрларда тарихий географик йўналишда яратилган асарлар ичида Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхийнинг асарлари ҳам ўзига хос муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Балх

²³ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Ташкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 22-23.

яқинидаги Шомистиён қишлоғида туғилган Балхий Бағдодда 8 йил яшаб, таҳсил олгани ва кейин ўз юртига қайтгани манбаларда қайд этилган²⁴.

Ал-Балхий томонидан 60га яқин асарлар ёзилган бўлиб, улар ичида “Сувор ал-ақолим” (Иқлимлар сурати”) асари алоҳида аҳамиятга эга. 920 йилда ёзиб тугатилган бу асар турлича номлар билан маълум. Масалан “Ашкол ал-ақолим” (“Иқлимларнинг шакллари”), “Тақвим ал-булдон” (“Шаҳарларнинг тақсимланиши”) ва бошқалар.

Машҳур географ Муқаддасий Балхийнинг бу китоби ҳақида ёзиб қолдирган. Унга кўра Балхийнинг бу асари ернинг тасвири акс этган хариталар ва уларга ёзилган шарҳлардан иборат бўлиб, бу китобдаги хариталардан бирини Муқаддасий Бухородаги сомонийлар кутуҳонасида, яна бирини Нишопурда, яна бирини араб денгизчилари қўлида кўрган.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари тарихий географиясига оид муҳим маълумотлар муаллифи номаълум “Худуд ал-олам” асарида ҳам мавжуд. Форс тилида ёзилган бу асар ривожланган ўрта асрлар мусулмон мамлакатларида анча машҳур географик асар ҳисобланган. “Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” номидаги бу асар 983 йилда Амударёнинг чап соҳилидаги Жузжон вилоятида (Балхдан ғарбда) ёзилган бўлиб, шу вилоятнинг ҳокими амир Абул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишланган.

Асар қўлёзмаси 1892 йилда Бухородаги бир китобфурушдан таниқли рус шарқшунос олими А.Г.Туманскийнинг таржимони Абдулфозил Гулпойгоний томонидан сотиб олинган. Бу асар бошқа бир қанча асарлар билан бир жилдга тикилган бўлиб, бу жилдда “Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” номли асардан ташқари Муҳаммад ибн Нажиб Бакронинг “Жаҳоннома” (27 ғарф), Муҳаммад

²⁴ Ёқутнинг ёзишича Балхий Бағдодга пиёда, қарвонга эргашиб борган, бу ерда машҳур комусий олим ал-Киндийга шогирд тушган. У Бағдоддан Маккага бориб ҳаж қилиб, кейин Балхга қайтган.

Нишопурийнинг музыка ҳақидаги рисоласи (2 варак), Фаҳриддин Муҳаммад ар-Розийнинг “Жами ал-улум” (49 варак) асарлари ҳам бўлган. Бу жилдаги “Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” асарининг (30 варак) муаллифи бирон бир саҳифада кўрсатилмаган, лекин ҳаттотнинг исми ва кўчирилган йили ёзилган.

А.Г.Туманский 1893 йилда яна Бухорога келгач, Абдулфозил Гулпойгоний унга бу асарларни ҳада қилади. Қўлёзма А.Г. Туманский томонидан дастлаб 1893 йилнинг 2 майида Самарқанд газетасида бу қўлёзмадан кичик бир парча “Самарқанднинг узок ўтмишидан” сарлавҳаси билан чоп этилади. Кейинчалик бу қўлёзма А.Г.Туманский томонидан Санкт Петербургга олиб кетилади. 1896 йил 19 апрелда Россия археология жамиятининг шарқ бўлимига қўлёзма тўғрисида батафсил маълумот бериб, катта мақола ёзади. Мақолада қўлёзманинг мундарижаси ва айрим қисмлари таржимаси берилган. Шу тариқа “Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” асари шарқшуномлар орасида “Туманский қўлёзмаси”, “Аноним асар”, “Ҳудуд ал-олам” номлари билан аталиб кетган. Кейинчалик қўлёзма хорижга олиб кетилган. 1920 йилда А.Г. Туманский вафот этгач, унинг Истанбулда яшаётган рафиқаси томонидан бу қўлёзма Парижда яшаётган рус шарқшунос олими В.Минорскийга ҳада қилинган. Минорский бу қўлёзмани Россияга қайтариб юборган. Ҳозирда бу асар қўлёзмаси Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланиб келинмоқда.

“Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” асарида Жайхун дарёси оқими ва унинг соҳилида жойлашган Тоҳаристон, Чағониён вилоятлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтириб ўтилган.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг тадқиқотимиз доирасида кўриб ўтаётган даври тарихий географиясига тегишли айрим муҳим маълумотлар кейинги даврларда, хусусан Мўғуллар ҳукмронлиги

даврида, шунингдек Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган айрим асарларда ҳам мавжуд. Улардаги маълумотлар IX-XIII аср бошларида ёзилган манбалардаги маълумотларни тўлдиришда, айрим масалаларга аниқлик киритишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида яратилган манбалар ичида Рашидиддин (XIV аср)²⁵, Жамол Қарший²⁶ ва араб сайёҳи ибн Баттутанинг²⁷ асарлари катта аҳамиятга эга. Уларда минтақа вилоятлари ва уларининг чегаралари, шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашуви, карвон йўллари йўналишлари, бекатлар, йирик савдо марказлари ва йўлбўйи иншоотлари, дарё кечувлари ва тоғ доvonлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Темурийлар даври ва сўнгги ўрта асрларда яратилган маҳаллий тарихий-географик асарларда ҳам бир ўрганаётган мавзуга оид муҳим маълумотлар келтирилган. Улар ичида Ҳофиз Абру асаридаги маълумотлар²⁸ муҳим ўрин тутди.

Собиқ совет даврида ва мустақиллик йилларида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари, илмий адабиётлар маълумотлари ҳам ишнинг муҳим манбавий асосини ташкил этганлигини юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Мавзуга манбашунослиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ёзма манбалар маълумотларини ўзаро ҳамда илмий адабиётлар ва археологик тадқиқотлар натижалари билан қиёсий солиштириш, Қашқадарё ва

²⁵ Рашид ад-Дин. Джами' ат-таварих. Сборник летописей / Пер. с персидского А.К. Арандса. – М.- Л.: Изд-во. АН СССР, 1946. Т. 3. – 340 с.

²⁶ Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах // Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х. Вахидова, Б.Б. Аминова. История Казахстана в персидских источниках. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. Т. I.

²⁷ Ибн Баттута. Саёхатнома (Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажайиб ал-асфар) / Муқаддима, Ибн Баттута ҳаёти ва саёхатлари, унинг «Саёхатнома»сининг ўрганилиш тарихига доир маълумотлар муаллифи ва асарнинг Ўрта Осиёга саёхат қисмининг араб тилидан таржимони Н. Ибраҳимов. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – 104 б.

²⁸ Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII. – С. 74-97; Хафиз-и Абру. География (Извлечения) / Перевод с персидского А. Буриева // Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X–XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 142-148.

Сурхондарё вилоятлари топоним ва этнонимлари, гидронимлари, этнографияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни тарихий-географик аспектда ёритиш тадқиқотдан кўзланган мақсадни бажаришда катта ўрин тутади. Келгусида бу йўналишдаги ишларни давом эттириш орқали мавзуга оид муҳим илмий хулосаларни қўлга киритиш ва монографик тадқиқотлар доирасида таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий натижаларга олиб келиши мумкин.

1.2. Мавзу тарихшунослиги: ютуқ ва муаммолар.

Ўрта Осиёдаги муҳим тарихий-маданий ўлкаларидан бўлган Жанубий Суғдиёна ва Тоҳаристонни тарихий географик аспектда ўрганиш асосан XIX аснинг охирларидада бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. Гарчи биз кўриб чиқаётган мавзуга махсус асарлар бағишланмаган бўлсада, олиб борилган тадқиқотларда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг илк ўрта асрлар давридаги тарихий географиясига тегишли маълумотларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Тадқиқотларнинг хусусиятидан ва нашр қилиниши даражасидан келиб чиқиб, мавзунинг ўрганилиши куйидаги хронологик даврларга бўлиб чиқилди: 1) XIX аснинг охири – XX аср бошлари; 2) XX асрнинг 20–80-йиллари; 3) Мустақиллик даврида мавзунинг ўрганилиши; 4) Хориж тарихшунослигида муаммонинг талқини.

XIX аср охири - XX аср бошлари тарихшунослиги. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларини тарихий-географик аспектда ўрганиш дастлаб Россия тарихшунослигида бошланди. Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айлантирилгандан кейин рус ҳокимияти минтақани батафсил ўрганишга киришди. Бу жараёнда айниқса, ўлканинг ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудларини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Ана шундай ҳудудлар ичида Қашқадарё ва Сурхондарё ҳовзасида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, бу ерда истиқомат қилувчи

аҳоли ва унинг этник таркиби, хўжалиги, маданияти, сиёсий қарашлари, бу ҳудудлар орқали ўтган алоқа сув хавзалари, конлар, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларининг географияси ва топографияси, алоқа йўллари тизими, улов воситалари, асосий карвон йўллари йўналишлари, уларнинг хусусиятлари, тоғ доvonлари, дарё кечувлари ва бошқа масалаларни батафсил ўрганишга киришди. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган турли элчилик миссиялари аъзолари, савдогарлар, саёхатчилар, ҳарбийлар ва бошқаларнинг асарларида Бухоро амирлигининг жанубий ва шарқий ҳудудларидаги бекликлар, уларнинг тарихий географик ҳолати, маҳаллий коммуникация тизими ва улар бўйида жойлашган қадимги шаҳар ва манзилгоҳларга катта эътибор қаратишган. Шу сабабли ҳам бу даврда яратилган асарлар фактик маълумотларга бойлиги, аниқлиги билан ажралиб туради²⁹.

Бу даврда Марказий Осиёга саёхат қилиб, саёхати кундаликларини ёзиб қолдирган ўрта аср сайёҳларининг ишлари тарихий аспектда таҳлил қилинган дастлабки тадқиқотлар пайдо бўлганлигини ҳам қайд қилиб ўтиш керак³⁰.

XX асрнинг 20-80-йилларида мавзу тарихшунослиги. XX асрнинг 20-80 йилларида тарихий-археологик тадқиқотлар натижалари

²⁹ Батафсил қаранг: Маев Н. Очерки Бухарского ханства//Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып. V. – С. 77-328; Матвеев. Поездка Генерального Штаба полковника Матвеева по бухарским и афганским владениям в феврале 1877 г. // Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ материаловъ по Азии. ((Кейинги бетларда СМА). – СПб.: Военная типография, 1883. Вып. V. – С.1-57; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 годах. В двух томах. – СПб.: Типография д-ра М.А.Хана, 1883. Т.2. – С. 1-387; Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба капитаномъ Архиповым // СМА. – СПб.: Военная типография, 1884. Вып. X. – С. 171-238; Петров. Путевые замѣтки классного топографа тит. сов. Петрова 1884 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI. –С. 53-110; Гинтелло. Сведения по интендантской части, собранныя въ Бухарскомъ ханстве капитаномъ Гинтелло въ мае и июне 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI. – С. 1-53; Евреинов. Рекогносцировка пути через Джамский перевал на Гузар и на Карши 1887 г. Генерального Штаба полковника Евреинова // СМА. – СПб.: Военная типография, 1888. Вып. XXXVI. – С. 112-146; Васильев. Маршрутное описание дороги отъ Келифа до Патта-Киссара // СМА. – СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 403-405; Галкинъ А. Краткий военно-статистический очеркъ офицера Генеральнаго Штаба Туркестанского в. о. въ 1889 г. въ Бухарскомъ ханстве и въ южной части Самаркандской области // СМА. – СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 1-47; Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб.: Б.и., 1913.

³⁰ Григорьев В. Об арабском путешественнике X века Абу Дулафе и странствовании его по Средней Азии // Журнал Министерства Народного Просвещения. – СПб.: 1872. – № 9. – С. 1- 45.

ва ёзма манбалар маълумотлари таҳлили асосида Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий географиясининг айрим жиҳатлари кўриб ўтилган кўплаб монографиялар, рисоалар ва мақолалар нашр этилди. Хусусан, В.В.Бартольд рус тарихшунослигида биринчилардан бўлиб Туркистон ўлкасининг тарихи ва тарихий географияси масаласини ўрта аср манбалари таҳлили асосида ёритиб берди. Мисол тариқасида, унинг Ислом Энциклопедияси учун ёзилган “Қарши”, “Кеш”, “Мовароуннаҳр”, “Суғд”, “Термиз”, “Тоҳаристон”, “Чағониён”, “Чағон-руд” номли мақолаларини³¹ ва бошқа ишларини³² келтириб ўтиш мумкин.

XX асрнинг бошлари ва ўрталарида Қарши шаҳри³³, Термиз шаҳри³⁴ тарихига бағишланган ишлар нашр этилди. Кейинги даврларда бу йўналишдаги ишлар салмоғи ва кўлами янада ортди.

XX асрнинг 60-80 йилларида Ўрта Осиё жанубий вилоятларининг илк ўрта асрлардаги тарихи, тарихий географияси масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар ҳам пайдо бўлди. Улар ичида Қашқадарё воҳасининг тарихи ва географиясига оид маълумотларни ҳам ўз ичига олган ишларни ҳам қайд этиб ўтиш мумкин³⁵.

Бу даврда ҳам ўрта аср алломаларининг географик йўналишда ёзилган асарлари таҳлил қилиб ўтилган ишлар нашр этилди. Уларда ҳам биз кўриб чиққаётган мавзуга тегишли айрим маълумотлар мавжудлигини эътироф этиб ўтиш мумкин³⁶.

³¹ Бартольд В.В. Работы по исторической географии / Соч. в 9 томах. – М.: Изд-во вост. лит, 1963. Т. III.

³² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. в 9 томах. – М.: Изд-во вост. лит, 1963. Т. I. – С. 45-584; Он же. История культурной жизни Туркестана / Соч. в 9 томах. – М.: Изд-во вост. лит, 1963. Т. II. – С. 167-433.

³³ Зимин П.А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности. Сборник В.В. Бартольду. Туркестанский друзья, ученики и по читатели. - Ташкент: Наука, 1927. С.197-214.

³⁴ Массон М.Е. Городище старого Термеза и их изучение. Труды Узбекстанского филиала АН СССР. Серия 1. Термезская археологическая комплексная экспедиция 1936 г. – Ташкент, 1940. – С. 5-122.

³⁵ Чариев А., Ачилов М. Кашкадарьинская область. - Ташкент: Фан, 1974; Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII - XII вв. (стратиграфия и периодизация). – Ташкент: Фан, 1984.

³⁶ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981.

Бу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг ўрта асарлар даври тарихи ва тарихий-географиясига бағишланган бир қатор мақолалар ҳам илмий журнал ва тўпламларда нашр этилди. Улар ҳам мавзу тарихшунослиги ривожига ўз хиссасини қўшганлигини айтиб ўтиш мумкин³⁷.

1988 йилда ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли – мулоқот йўли” 10 йиллик дастури асосида Ўрта Осиё республикаларида илмий анжуманлар бўлиб ўтди, Буюк ипак йўли йўналишлари бўйлаб экспедициялар ташкил этилди ва минтақанинг тарихий географиясига оид эътиборга молик асарлар чоп этилди. Хусусан, мавзуга оид муҳим маълумотлар халқаро ва республика миқёсдаги илмий анжуманлар материалларида, кўплаб илмий тўпламларда ўз аксини топган³⁸.

Бир кўриб чиқаётган мавзунинг айрим жиҳатлари бу даврда Э.В.Ртвеладзенинг докторлик диссертациясида ҳам қисман кўриб чиқилган³⁹.

Лекин, амалга оширилган тадқиқотларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари тарихий географияси масаласи бу даврда махсус тадқиқот мавзуси сифатида ёритилмади. Бу масала фақат айрим мақолаларда, нисбатан тор доирада кўриб ўтилди халос. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларининг илк ва ривожланган ўрта

³⁷ Пугачева Г.А. К исторической топографии Чаганиана // Научные труды ТашГУ. н.с. вып. 200. Исторические науки. кн. 41. Археология Средней Азии, VI. – Ташкент, 1963. – С. 49-64; Гулямов Я.Г. Исследование исторической географии низовьев Кашкадарьи и Зеравшана. ИМКУ. Вып.6. - Ташкент: Фан, 1965; Лунина С.Б.О возможном отождествлении Наукад Курайша // Материалы по истории и археологии Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 3-14; Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент: Адабиёт ва Санъат, 1989. – С. 27-33.

³⁸ Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф. Международной семинар ЮНЕСКО по проблемам Великого шелкового пути // ОНУ. – Ташкент, 1990. – № 12. – С. 46-48; Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 октября 1990 г. – Ташкент: Фан, 1990; На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: Фан, 1990. Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М.: Наука, 1990.

³⁹ Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия – средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам Амударьинского правобережья): Автореф. дис. ... докт. истор. наук. – М.: Институт археологии РАН, 1988.

асрлар даври тарихий географиясига бағишланган фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмади.

Мустақиллик даври тарихшунослиги.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий географиясини ўрганишда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Магистрлик тадқиқотимиз мавзуси доирасида кўриб чиқиладиган масалаларнинг айрим жиҳатлари Республика ва хорижий миқёсдаги илмий анжуманларда⁴⁰, алоҳида монографиялар⁴¹, бир қатор диссертациялар⁴² ва кўплаб мақолаларда⁴³ акс этган.

Бу даврда яратилган муҳим тадқиқотлар ичида Буюк ипак йўлига бағишланган фундаментал тадқиқотларини алоҳида қайд этиб ўтиш

⁴⁰ Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари: Халқаро илмий анжуман материаллари. – Самарқанд, 1994. Индия и Центральная Азия (доисламский период): Материалы международного семинара. – Ташкент, 2000; Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар: Халқаро конференция материаллари. I қисм. – Тошкент: Университет, 2005; Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы научно-теоритической конференции. – Ташкент, 2006.

⁴¹ Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Муаллифлар жамоаси. Бош муҳаррир А.С. Сағдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 1998; Жалолiddин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёт, 2005; Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Са’да Абдалқарима ибн Муҳаммада ас-Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент Ўзбекистон, 1996; Камалиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006.

⁴² Камалиддинов Ш.С. Историческая география Тохаристана и Южного Согда по арабоязычным источникам IX – нач. XIII вв.: Автореф. дис... докт. истор. наук. – Ташкент: Институт востоковедения АН РУз, 1993; Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшебе в эпохи раннего феодализма: Автореферат дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, ЎзР ФА Тарих институти, 2000; Кобзева Н.П. Великий шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения Европейскими учеными во второй половине XIX – начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, Ўзбекистон Миллий Университети, 2001; Мавланов У.М. Коммуникации и торговые пути в Средней Азии: формирование и этапы развития: Автореферат дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, ЎзР ФА Тарих институти, 2009; Абдуқайюмов А.Р. Суғднинг илк ўрта асрлар даври хунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари: Тарих фанлари номзоди .. дисс. автореферати. – Ташкент, ЎзМУ, 2010.

⁴³ Пидаев Ш.Р. Кўхна Термиз ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52-53; Ўша муаллиф.. Қадимги Термиз 2500 ёшда // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2001. – № 4. – Б. 3-13; Ртвеладзе Э.В. Переправы и дороги Бактрии // Эхо истории. – Ташкент, 2003. – № 3-4. – С. 20-27; Камалиддин Ш. Древние гидротопонимы Средней Азии // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 2 (30). – С. 44-48.

керак⁴⁴. Уларда бир кўриб чиқаётган мавзуга оид маълумотлар ҳам қисман таҳлил қилинган.

Мавзу тарихшунослигида илк ўрта асрлар саёҳатчилари асарлари таҳлил қилиб чиқилган ишларни⁴⁵ ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Мавзуга тегишли маълумотлар Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллигига бағишлаб чоп этилган китобларда мавжуд⁴⁶.

Шу тариқа, бу даврда Суғдиёна ва Тоҳаристоннинг тарихий географияси масаласи янги асосда, ёзма манбалар ва археологик маълумотлардан фойдаланиб ўрганиш бошланди, ўлка тарихини ўрганишда тарихий географик жиҳатларни тадқиқ этиш долзарб илмий аҳамиятга эга масала сифатида кун тартибига қўйила бошлади. Бу даврда кўриб чиқиладиган мавзуга тегишли илмий билимлар анча ошди. Бу кўриб чиқиладиган масалани ўрганишда олдинги даврга нисбатан катта ютуқ эди.

Турли маълумотларнинг чоп этилгани ва муаммонинг фактик томонлари ёритилгани кўриб чиқиладиган мавзунини ўрганишнинг янги даврини ҳамда кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини қайта таҳлил қилишни бошлаб берди.

Хорижий тадқиқотлар таҳлили.

⁴⁴ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Ташкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1999; Ўша муаллиф. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005; Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. – Самарканд–Бишкек, 2006; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007; Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008.

⁴⁵ Анарбаев А. Великий Шелковый путь и путешествие Сюань Цзэня в Среднюю Азию // ОНУ. № 5-6. – Ташкент, 1999. – С. 67-70; Каримова Н. Сведения Хуэй Чао по истории Центральной и Южной Азии // Востоковедение. № 1. – Ташкент, 2015. – С. 45-51.

⁴⁶ Шаҳрисабз. Минг йилликлар мероси. Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган китоб-альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002; QARSHI. KAPSHI. QARSHI. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2006.

Сўнги йилларда МДХ давлатларида ўрганилаётган мазу тарихи билан боғлиқ қатор илмий асарлар чоп этилди. Улар ичида йирик монографик асарлар⁴⁷, илмий тўпламлар ва конференция материаллари⁴⁸ ҳамда алоҳида мақолалар⁴⁹ муҳим аҳамиятга эга.

Хориж тарихшунослигида Марказий Осиёнинг савдо йўллари ёритишда етакчи ўринни европалик олимлар эгаллайди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида мазкур масалага оид бир қатор тадқиқотлар босилиб чиқди. Турли ҳудудий ижтимоий жараёнларга оид хитой тилидаги айрим саёҳатномалар ҳамда Суғд тарихига доир маълумотлар мавжуд арман тилидаги айрим манбалар ҳам тадқиқ этилди. 1877 йилда В.Томашек хитой, араб-форс манбалари асосида қадимги Суғдиёна ва илк ўрта асрлар Суғдининг тарихий-географик ва сиёсий харитасини тиклаш мақсадида биринчи монографик тадқиқотини чоп этирди⁵⁰. Тадқиқотчи ушбу асарида илк ўрта асрлар Суғди ҳозирги Зарафшон (Самарқанд ва Бухоро Суғди) ҳамда Кашкадарё (Жанубий Суғд) воҳаларини қамраб олганлиги ҳақида фикр юритади. Суғднинг географик жихатдан ушбу таркибий қисмларга ажратилиши кейинги тадқиқотларда ҳам сақланиб қолди.

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихий-маданий ўлкалари ва тарихий географиясига тегишли муҳим маълумотларни ўз ичига олган ишлар чоп этилди. Улар

⁴⁷Мартirosян А. На Великом шелковом пути. – Ереван, 1998; Боровкова Л.А. Царства «Западного края» во II-I веках до н. э. Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шу». – М.: ИВ РАН – Крафт, 2001..

⁴⁸ Изучение культурных взаимодействий и новые археологические открытия: Материалы пленума ИИМК 11-14 апреля 1995 г. – СПб., 1995; Азия–диалог цивилизаций / Под ред. Б.А Литвинского.– СПб., 1996;

⁴⁹Ставиский Б.Я. Великий шелковый путь // Культурные ценности. – Ашхабад, 1995. Вып. II. – С. 21-32; Галиева З.И. Великий шелковый путь трудах античных и китайских авторов // Вестник КНУ. – Бишкек, 2000. – № 3. – С. 170-181.

⁵⁰Абдуқаюмов А.Р. Суғднинг илк ўрта асрлар даври хунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари: Тарих фанлари номзоди .. дисс. автореферати. – Ташкент, 2010. – Б. 11.

ичида Э.Шефер⁵¹ ҳамда Э'дала Веспере⁵² каби олимларнинг монографиялари алоҳида аҳамиятга эга.

Турли ҳудудий ижтимоий жараёнларга оид хитой тилидаги айрим саёҳатномалар ҳамда Суғд тарихига доир маълумотлар мавжуд арман тилидаги айрим манбалар ҳам тадқиқ этилди. 1877 йилда В.Томашек хитой, араб-форс манбалари асосида қадимги Суғдиёна ва илк ўрта асрларда Тоҳаристон ва Суғднинг тарихий-географик ва сиёсий харитасини тиклаш мақсадида биринчи монографик тадқиқотини чоп этирди. Тадқиқотчи ушбу асарида илк ўрта асрлар Суғди ҳозирги Зарафшон (Самарқанд ва Бухоро Суғди) ҳамда Кашкадарё (Жанубий Суғд) воҳаларини қамраб олганлиги ҳақида фикр юритади. Суғднинг географик жихатдан ушбу таркибий қисмларга ажратилиши кейинги тадқиқотларда ҳам сақланиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, илк ва ривожланган ўрта асрларнинг мўғуллар босқинигача бўлган даврида Жанубий Ўзбекистон ҳудуди тарихий географиясига оид илмий тадқиқотлар кўлами унчалик катта эмас. Бу масала бўйича ўзбек тилида бирорта йирик илмий асар яратилмагани ҳам келгусида бу мавзунини ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

⁵¹ Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан / Пер. Е.В. Зеймаля и Е.И.Лубо-Лесниченко. – М.: Наука, 1981

⁵² De La Vaissiere Etinne. Histoire des Marchands Sogdiens. – Paris:Institut des Hautes Etudes Chinoises, 2004.

2 БОБ. Қашқадарё воҳасининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий географияси.

2.1. Кеш вилоятининг тарихий географияси.

Жанубий Суғд ерлари ҳозирги Қашқадарё воҳасига тўғри келган. Қашқадарё воҳаси Ўрта Осиёнинг шаҳарсозлик қадимдан ривожланган вилоятларидан бири бўлиб, воҳада шаҳарсозликнинг илдизлари милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалишини сўнгги археологик тадқиқотлар исботлаб берди. Қашқадарё воҳаси Жанубий Ғарбий Ўзбекистоннинг йирик ва муҳим вилоятларидан бири ҳисобланган. Қашқадарё воҳаси табиати ва тарихий-иқтисодий ҳолатига кўра Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари билан боғланган⁵³.

Воҳа Помир-Олой тоғ тизимининг икки ғарбий тизмалари - Зарафшон ва Ҳисор тоғлари оралиғида жойлашган бўлиб, шимолда Самарқанд вилояти, Шимолий-Ғарб ва ғарбда Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегараланади. Шимолий-Шарқда баланд Чақиркалон тоғи орқали воҳа Тожикистон Республикаси билан, жанубда ва Жануби-Ғарбда Туркманистон Республикаси билан чегараланади. Воҳа чегарасининг умумий узунлиги 795 км.ни ташкил этиб, унинг 405 км. тоғли, қолган 390км. текисликка тўғри келади.⁵⁴ Воҳа шарқдан ғарбга 300 км. ча, шарқдан жанубга 200 км гача чўзилган бўлиб, унинг умумий худуди 28,4 минг км² ни ташкил этиб, бу бутун Ўзбекистон худудининг 6,3 фоизига тенгдир⁵⁵.

Қашқадарё воҳаси географик жиҳатдан иккита йирик тарихий

⁵³ Природные условия и ресурсы юго-западного Узбекистана. -Т.: Наука, 1965. №5,8.

⁵⁴ Кашкадарьинская область. Т.1. Природа. //Труды САГУ. Новая серия. Вып.155. Географические науки. Кн. 14. -Т.: САГУ, 1959. №5.

⁵⁵ Чариев А. Ачилов М. Кашкадарьинская область. -Т.: Фан, 1974. С.15.

вилоятга - Шаҳрисабз ва Қаршига бўлинади. Шаҳрисабз воҳаси (Қадимги Кеш) Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлашган бўлиб, Шарқдан Ҳисор тоғ тизмалари билан ўралган. Қуйи Қашқадарёда, воҳанинг текислик қисмида эса Қарши (Қадимги Нахшаб) вилояти жойлашган бўлиб, у Ғарбда Сандиқли қумликлари орқали Қизилқум билан туташиб кетган. Қадимда Қашқадарё воҳаси Бухоро ва Самарқанд билан биргаликда Суғдиёна таркибига кирган бўлиб, унинг юқорида таърифланган чегаралари қадимги Жанубий Суғд ҳудудига тўғри келади. Воҳанинг асосий сув манбаи бўлган Қашқадарё номи бутун воҳанинг умумий номига айланган. Бу дарё Ҳисор тоғ тизмаларининг ғарбий қисмида, Тавтош тоғ давони яқинида, денгиз сатҳидан 3 минг м баландликдан бошланади. Дарёнинг узунлиги 300 км га яқин бўлиб, у асосан Шарқдан Ғарбга томон оқади ва ўрта оқимида Жиндарё, Оксув, Танхоздарё каби кичик дарёларни ўзига қўшиб олади. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Қашқадарё то XII асргача Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида қуйилган⁵⁶. Тадқиқотчилар томонидан Қадимги Пойкент шаҳри яқинида Зарафшон дарёсига қуйилган Қашқадарёнинг эски ўзани топиб аниқланган.

Воҳанинг иккинчи йирик сув манбаи Яккабоғдарё (Қизилдарё) ҳисобланади. Бу дарё эски Яккабоғ яқинида икки оқимга Қорабоғ (Ғарбий йўналишда) ва Қизилсувга (Шимолий - Ғарбий йўналишда) бўлинади, Қизилсув Қўрғон қишлоғи яқинида Танхоздарёга келиб қўшилади⁵⁷.

Воҳанинг яна бир муҳим сув манбаи Ғузордарё бўлиб, Катта ва Кичик Ўрадарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган бу дарё қадимда Қашқадарёнинг чап ирмоғи ҳисобланган⁵⁸.

⁵⁶ Гулямов Я.Г. Исследование исторической географии низовьев Кашкадарьи и Зеравшана. ИМКУ. Вып.6. - Т.: Фан, 1965. №21.

⁵⁷ Природные условия и ресурсы юго-западного Узбекистана... №75.

⁵⁸ Лунина С. Б. Города Южного Согда в VII-XII вв. -Т.: ОаИ, 1984. С.11-12.

Воҳанинг сув ресурслари юқорида келтирилган дарёлардан ҳосил бўлади. Шу билан бирга, воҳанинг юқори Шарқий қисмида, тоғ ва тоғ олди зоналарида кичик сойлар, булоқлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Қашқадарё воҳаси ҳудудида абадий музликлар ва қорлар билан қопланган баланд тоғлар, чорвачилик ҳамда лалми деҳқончилик ва боғдорчиликни ривожлантириш учун қулай бўлган тоғ олди адирлари, ҳосилдор текисликлар ва даштлар мавжуд. Воҳа ҳудудини гидрологик ва хўжалик районларига бўлиш мумкин. Воҳада Жом, Қарши ва Нишон даштликлари ҳам катта ҳудудни эгаллайди. Воҳанинг Ғарбий қисми Сандиқли қумликлари билан ўралган⁵⁹.

Воҳа ҳудудида мавжуд бўлган тоғлар ва тоғ олди зоналари, адирлар, кенг даштлар ва суғориладиган майдонлар қадимдан суғорма ва лалми деҳқончиликни, чорвачиликни, боғдорчиликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилган. Воҳанинг тоғли ҳудудларида мавжуд бўлган фойдали қазилмалар ҳамда қишлоқ хўжалик хомашё манбалари ҳисобига воҳада қадимдан иқтисоднинг муҳим тармоғи бўлган хунармандчилик ҳам ривожланиб келган эди.

Хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган деҳқончилик илдизлари воҳада қадим тарихга эга. Баъзи манбаларга қараганда Хисор тоғларининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ёввойи бугдой ва арпа майдонлари мавжуд бўлиб⁶⁰, бу воҳада қадимдан деҳқончилик, хусусан, ғаллачиликнинг ривожланишига замин тайёрлаган.

Археологик тадқиқотларнинг далолат беришича, воҳадаги дастлабки деҳқонларнинг маконлари тоғ олди ҳудудларида, дарё водийларида илк темир давридаёқ пайдо бўлади. Аҳмонийлар даврига келиб, бундай маконлар воҳада 5та - Ерқўрғон, Қизилдарё, Гулдарё,

Лунина С. Б. Города Южного Согда в VII-XII вв. -Т.: Ўқ, 1984. 9-10 бетлар.

⁶⁰ Агроклиматические ресурсы Кашкадарьинской областей Узбекистана. -Л.: Ўқ, 1979. С.19-20.

Қайрағоч, Танқоздарё бўлган⁶¹.

Антик даврда кам сувли Қарши воҳасини суғориш учун Зарафшон дарёсидан узунлиги 200 км га етган йирик канал қазилгани маълум⁶². Бу ҳам воҳада суғорма деҳқончиликни ривожлантиришга хизмат қилганлиги шубҳасиз.

Ўрта асрлар даврига келиб, воҳада деҳқончилик юксак даражада ривожланди. Тадқиқотчилар фикрича, VII асрларда Қашқадарё воҳасида суғорма ва лалми деҳқончилик анча ривожланган бўлиб, ғаллачилик, узумчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик деҳқончиликнинг етакчи тармоғи эди⁶³.

Бу даврда воҳада ипакчилик, пахтачилик каби деҳқончиликнинг қадимги тармоқлари ҳам анча ривожланганлиги маълум.⁶⁴

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Суғд худудининг тарихий географик жихатдан тараққиётида муҳим омил бўлиб хисобланади. Ёзма манбалар ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар Жанубий Суғдда икки иқтисодий ва маъмурий худуд, яъни, Қашқадарёнинг юқори оқимида, Зарафшон ва Хисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта оқими хавзасигача бўлган шарқий худудда Кеш мулки ҳамда дарёнинг қуйи оқимида қадар чўзилган ҳавзада Нахшаб мулки шаклланганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Жанубий Суғднинг тарихий географик таҳлилини дастлаб Шарқий Қашқадарё, яъни қадимги Кеш худудидан бошлаймиз. Шарқий Қашқадарёнинг бош шаҳри турли тарихий даврларда Наутака, Кеш,

⁶¹ Сағдуллаев А. С. Древнесогдийские памятники. АО 1978 г. -М.: Ўзбекистон, 1979. №560 .

⁶² Мухаммаджанов А.Р. К истории ирригации в кушанскую эпоху. В кн. Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т.3. -М.: Ўзбекистон, 1975. С.279.

⁶³ Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долин Кашкадары с сопредельными территориями. Сб.: Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. -М.: Ўзбекистон, 1990. С.101.

⁶⁴ Лунина С.Б. Города Южного Согда... №74 .

Шахрисабз номлари билан аталган. Бу шаҳарнинг қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиё тарихи ва маданиятида тутган аҳамияти катта эди⁶⁵.

Милодий III-IV асрларда воҳанинг хар иккала қисмида асосан, дехқончилик учун қўлай бўлган дарё ирмоқлари ҳамда бўлоқ бўйларида ўтроқлашиш жараёни кучаяди. Тадқиқотларга кўра, факатгина Кеш мулки худудларида мазкур даврда умумий ҳисобда тахминан 4 минг гектарга яқин экин майдонлари ўзлаштирилади. Сув хавзаларининг изчил ўзлаштириб борилиши бир қатор дехқончилик воҳалари ҳамда уларнинг негизида кичик мулкларнинг қарор топишига замин яратади. Жанубий Суғднинг шарқий қисмида шу каби дехқончилик воҳаларидан бири Ғуздорё хавзасида қарор топади.

Илк ўрта асрларда, хусусан, Турк ҳоконлиги даврида Кеш шаҳрининг иқтисодий-сиёсий аҳамияти анча ошади⁶⁶. VII асрнинг ўрталарида Кеш Суғд конфедерациясида етакчи ўринга чиқиб, қўшни мамлакатлар, хусусан, Хитой билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрнатган эди. Кеш номи маҳаллий ҳукмдорлар (Ахурпат, Ихрид ва бошқалар) номидан зарб қилинган тангаларда учраб, Хитой манбалари (Суйшу, Таншу)да Ши, Кюйша каби номлар билан қайд этилади⁶⁷.

Илк ўрта асрлардаги Кешнинг мавқеи араб манбаларида ҳам акс этган. Араб муаллифи Ёқубийнинг маълумот беришича, Кеш маълум бир муддат бутун Суғднинг пойтахтига айланади. Бу шаҳар VII асрда юксак даражада ривожланиб, Хитой билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради. Буюк Ипак йўли орқали воҳа савдогарлари Узоқ Шарқ шаҳарларигача етиб борганлар. Бу даврда Кеш ўз танга пулини зарб қилган. Қашқадарё қуйи оқимида жойлашган Нахшаб ҳам маълум даврда унга қарам ҳолатга тушиб қолади. 672 йилда Турк

⁶⁵ Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1998; Шахрисабз. Минг йилликлар мероси. – Тошкент, Шарқ, 2002.

⁶⁶ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 284, 297, 329.

⁶⁷ Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 28; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 297.

хоқонлиги инқирозга юз тутганидан кейин Самарқанднинг юксалиши содир бўлиб, Жанубий Сўғд ҳукмдорлари Самарқанд ихшидларнинг ўзи устидан ҳокимиятини тан олади.

Жанубий Сўғднинг бош шаҳри бўлган Кеш илк ўрта асрларда ҳам сўғд конфедерациясининг маҳаллий ҳокимлари орасида етакчи мавқеи учун курашган. VII аср ўрталарига қадар ҳатто Сўғднинг маъмурий-сиёсий маркази ролини ўтаган. Шишпир ихшидлиги даври бунинг яққол мисолидир. Фақат Вархуманнинг ихшидлиги давридагина марказий ҳокимият Самарқандда қарор топди⁶⁸.

Илк ўрта асрларда (V-VIII асрларда) Кеш шаҳри янги жойга кўчиб, алоҳида мулк пойтахти сифатида қарор топиб, VII аср бошидан VIII аср ўрталаригача мавжуд бўлган ва араблар томонидан тугатилган, яъни Жанубий Сўғд ёки Кеш мулкининг қудратли ҳукмдори Дичженинг Ши, бошқача айтганда, Кюйша ёки Гиешуанда атрофи 2 ли (яъни бир км) доирагача чўзилган қароргоҳи бўлган. У Циши шаҳрини бунёд эттирдик, бу Жанубий Сўғд номи шаклларида биридир⁶⁹.

VII асрда Жанубий Сўғд атрофида аҳоли томонидан қадрланган маҳсул ибодатхона бино қилинган. Ҳарбий юришлардан олдин ушбу ибодатхонага Жанубий Сўғдликлар 10 мингта қўй қурбон қилиб, ўз худоларидан душманлар устидан ғолиб чиқишда мадад сўраганлар. Бу воқеалар Жанубий Сўғд Суғдиёнанинг пойтахти бўлган даврга (Шиспир ҳукмдорлиги даври) тўғри келади. VIII асрда Жанубий Сўғднинг машҳур ибодатхонаси вайрон этилган.

Жанубий Сўғд ҳокимлари орасида 600-620 йилларда ҳукмронлик қилган Дичже, бошқа манбаларда Тичо энг қудратли деб таъриф этилади. Хитой йилномалари Тен-шу ва Суй-шуда унинг даврида Кеш ўз

⁶⁸ Абдуллаев Б., Мансуров Ў. Шахрисабзнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги маъмурий-сиёсий мавқеига доир // Шахрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари тезислари. - Тошкент: Фан, 2002. - Б. 54.

⁶⁹ Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.-А., 1950. - С. 316.

элчиларини чет элларга юборганини ва ўзи элчиларни қабул қилгани таъкидланади. Яна Дичже-Тичо Ки-ше-Кешга асос солган дейилади⁷⁰.

Мусулмон ёзма манбаларида Жанубий Сўғд шаҳарлари Кеш ва Нахшабнинг номлари даставвал VII аср охири VIII аср бошларида қўлланилган. Масалан уларда Кеш шаҳрининг номи уч хил: Каш, Киш ва Кеш шаклида учрайди. Тангалардаги сўғдча матнларда бу сўз доим унлисиз - KS шаклида берилади. Илмий адабиётда ва таомилда Кеш номи қарор топган, бироқ бу топонимнинг тўғри номи Киш ёки Кисс ҳам бўлиши мумкинки, Йоқут айнан шу атамани Ибн Мукулга (ваф. 1080-1081) суянган ҳолда илгари сурган.⁷¹ Хитойчада қисқа Цзюйша-Кюйша билан бир қаторда Цюйшуана шаклидаги тўлиқ ёзуви ҳам учраши бежиз эмас⁷². Бу икки шакл таомилда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, лекин кейинчалик VIII асрдаёқ қисқа шаклдаги Кеш-Киш номи анча тўлиқ Жанубий Сўғддан-Кишанни суриб чиқарган. Тошкентнинг кўҳна номи - тўлиқ шаклда Чочон деб аталиб келган Чоч билан ҳам шу ҳодиса рўй бергани аниқланди⁷³.

Ибн Хавқал бундай ёзади: “Кеш эса кўҳандиз, кўрғон ва рабодга эга бўлган шаҳардир. Шунингдек рабодга тутшиб кетган бошқа мадина ҳам мавжуд. Ундаги уйлар лой ва ёғочдан қурилган”⁷⁴. Ал-Мақдисий ҳам Кеш мадина ва рабодга эга бўлган шаҳар бўлганлигини ёзган. Унинг тавсифи ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлган Кешга тўғри келади, чунки манбада ички мадина кўҳандизи билан (Китоб ўрнидаги илк Кеш) ташландиқ ҳолдалиги, ташҳисида эса аҳоли зич жойлашганлиги таъкидланган. Лекин жомеъ масжид вайрон бўлган мадинада, бозорлар

⁷⁰ Отахўжаев А. Сўғд конфедерациясида Кешнинг ўрни // Шаҳрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари тезислари. – Тошкент:Фан, 2002. - Б 39.

⁷¹Бартольд В.В. Кеш, Соч., Т.3. - М., 1965. - С. 460.

⁷²Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.-Л., 1950. С. 316.

⁷³Ртвеладзе Э.В. О ранних монетах Чача / Чачана / и подлинном названии области // Археология, нумизматика и эпиграфика Средней Азии. - Самарканд, 2000. С. 147-149.

⁷⁴Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент: Гафура Гуляма, 1989. - С. 27.

эса рабодда жойлашган. “Унинг иморатлари, - деб ёзади ал-Мақдисий, - Бухородаги каби лой ва ёғочдан қурилган”.

Араб муаллифлари, энг аввало, шаҳарнинг топографияси ва тарихига, шунингдек асосий дарвозаларининг сони ва жойлашувига, суғориш манбалари - дарёлар, каналлар, ерларнинг ҳосилдорлиги, йирик аҳоли манзилгоҳлари оралиғидаги масофаларга эътибор қаратишади. Жумладан, Кеш-Насаф, Кеш-Ғузур-Термиз, Насаф-Бухоро ва бошқа йўналишлардаги карвон йўлларининг тафсилотлари келтирилади.

Жанубий Сўғд вилояти Зарафшон тоғларидан Ғузурдарёгача бўлган ерларни қамраб олган бўлиб, ривожланган ўрта асрлар даври муаллифлари келтирилган ёзма манба маълумотларга кўра 16 та рустоқлик-туманлардан ташкил топган.

Ибн Хавқал ва ал-Мақдисий томонидан келтириладиган Кешнинг таърифи Эски Кеш (Китоб) ва Кеш (Шаҳрисабз)га тўғри келади. Эски Кешнинг ички мадинаси ва кўҳандизи бу даврда ташландиқ ҳолга келиб, ундан 7 км жануб томонда ташқи мадина (Янги Кеш) раванқ топаётган бўлиб, унинг иккита дарвозаси, улар орқали ўтган марказий кўчаси мавжуд бўлган. Эски Кеш ҳудудида жомеъ масжид, зиндон ва бир қанча бозорлар жойлашган. Араб сайёҳлари Кеш ва Насаф ерларининг серҳосиллигини, аҳолиси эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишини ёзишган (иктибос).

Асруд дарёси (Қашқадарё) Қашқруд рустоқидан оқиб, Кешдан шимолроқ томондан ўтган, «Мато бўёвчилар дарёси» (Оқсув) эса шаҳарнинг жанубий томонидан ўтган. Дарёнинг номи Кеш ва Насаф аҳолисининг анъанавий машғулотларидан бири бўлмиш тўқимачилик тўғрисида маълумот беради. Ундан ташқари шаҳарда кулоллик, темирга ишлов бериш, қурилиш ашёлари ва бўёқ ишлаб чиқариш, шишасозлик, нонвойлик, қандолатчилик тараққий этган. Шунингдек Кеш ўзининг қизил тузи билан ҳам машҳур бўлган.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври VII асрнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда Кеш ҳудуди Сўғднинг (Қашқадарё ва Зарафшон водийлари) пойтахтига айланди. Ёзма манбалар ва нумизматик манбаларда ушбу даврда Кешни бошқарган учта ҳукмдор Дичже, Шишпир, Ахурпат тўғрисида маълумот берилади⁷⁵.

Ибн Хавқал томонидан “ташқи шаҳар” сифатида таърифланган Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар узок давр мудофаа деворларисиз қолиб кетган. Ибн Хавқал Кеш кўрғони ва унинг ички қисми вайронага айланганлиги ҳамда ташқи мадинада аҳоли яшаши тўғрисида гапирар экан, “Кеш ҳукмдори қароргоҳи мадина ва рабоддан ташқарида, “ал-Мусалло” номи билан маълум бўлган жойда жойлашган”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу тариқа, X асрда арк ва Кеш ҳукмдори қароргоҳи Китоб шаҳристони (Кеш ички шаҳри) ва Шаҳрисабз (ташқи шаҳри)дан ташқарида жойлашган. У ҳолда Жанубий Сўғд вилояти маъмурий маркази ҳам ҳукмдор қароргоҳи билан бир жойда, яъни “ал-Мусалло”да жойлашган, деб хулоса қилади⁷⁶. “Ал-Мусалло”нинг жойлашган ўрни борасида манбаларда маълумотлар учрамайди.

Шаҳрисабз атрофида жойлашган ўрта асрлар шаҳарлари ичида арк ва мураккаб тарҳга эга бўлган Чоштепа ҳамда Сариктепа ёдгорликлари диққатни тортади. Чоштепа Шаҳрисабзнинг жануби-ғарбий четида жойлашган. Бир вақтлар майдони 10 гектарга тенг бўлган йирик манзилгоҳда тўғрибурчак шаклидаги кенг хандақ билан ўралган кўрғон (125x100 м, баландлиги 10 м) сақланган. Чоштепа кўрғон ва мустаҳкамланмаган яшаш қисмидан иборат иншоот турини ифода этади.

Кеш вилояти тарихига оид бир қанча асарларда турли хил маълумотлар акс этган. Бу асарларда Кеш вилоятининг табиий

⁷⁵Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абул Касым ибн Хаукаля // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. Выш. IV.

⁷⁶Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. Т., Узбекистан, 1989. С.52.

географик ўрни, табиати, аҳолиси, шаҳарлари ҳақида бир қанча қимматли маълумотлар келтирилади.

Ибн Хавқалнинг **“Йўллар ва юртлар”** асарида Кеш ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланган: “Кеш шаҳристонида тўрт дарвоза бор: Темир дарвоза, унинг ёнида Убайдуллоҳ дарвозаси ва тўртинчиси ташқи шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳарда иккита дарвоза бор: ички шаҳар дарвозаси ва Барканон дарвозаси. Сиём тоғларидан бошланган дарё шаҳарнинг жанубида оқади, яна бир дарё - Асруд; Қашқруд рустоқидан бошланиб, шаҳарнинг шимолида оқади”.⁷⁷

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839-923)нинг **“Тарих ар-русул ва-л-мулук”** (Тарихи Табарий) асаридир. У қадимдан то 915 йилгача бўлган тарихий воқеалар баёнини, жумладан, Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлар тарихини ўз ичига олади.⁷⁸

Мазкур манбада Кеш (Шаҳрисабз)нинг араб қўшинларининг икки йиллик (милодий 669-702 йиллар) қамалига матонат билан қаршилик кўрсатгани ва араблар тўлов олиш билан кифояланиб қайтиб кетганликлари қайд этилган. 704 йил воқеалари баёнида эса, Жанубий Сўғд ва Самарқанд ҳукмдорлари арабларга қарши биргаликда жанг қилиб ғалаба қозонганликлари, сўнгра арабларга қарши Кеш, Насаф ва Бухоро қўшинлари бирлашганлиги ҳақида ёзилган. Араблар 709-710 йили Кешни босиб олдилар. Лекин Кешни арабларга қарши озодлик учун курашда кейинги йилларда ҳам Мовароуннаҳрдаги асосий шаҳарлардан бўлган. Чунончи, Абу Муслим (тахм. 727-755) ҳаракати йилларида (747-750) Кеш муҳим ўрин эгаллаган. Кеш деҳқони ҳукмдори Ихрид 746-747 йиллари Абу Муслимга қарши жанг қилади ва ҳалок бўлади. 777-778 йиллари Муқанна кўзғолони чоғида Кеш кўзғолон маркази бўлгани ҳам ушбу манбада берилган.

⁷⁷Сагдуллаев А.С. Из истории древнего Кеша // Вехи времен. – Ташкент: Гафур Гуляма, 1989. - С.75.

⁷⁸“История” ат-Табари. Избранный отрывки. Перевод с арабского В.М.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. - Ташкент, 1987.

Абу Зайд Балхий, Истахрий ва Ибн Хавқал каби ўрта аср муаллифлари томонидан ёзилган **“Китоб ал-масолик ва-л-мамолик”** номли асарларида Кеш қалъасининг IX-X асрларга оид топографик тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилади, хусусан, арк (кўхандиз), шаҳар қўрғони (ҳисн) ва шаҳар атрофи (рабод) қисмлардан иборат бўлган. Улар келтирган маълумотларда, шаҳар энига ва бўйига 2 км. дан ортиқроқ майдонни ишғол қилган ва 4 та дарвозаси (ташқи деворда 2 та дарвоза) бўлганлиги ва шаҳар ёнидан дарё оқиб ўтиши, иқлими иссиқлиги, мевалар мўл-кўллиги таъкидланган⁷⁹.

X асрда номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзилган **“Худуд-ул-олам”** асарида шаҳарнинг шахристон, кўхандиз ва рабоди борлиги, унинг ёнидан оқиб ўтувчи дарё сувидан деҳқончиликка фойдаланилиши, яқинидаги тоғлардан туз ва бошқа қазилма бойликлар қазиб олиниши ёзилган⁸⁰.

Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг (899-959) **“Бухоро тарихи”** (943-944 йилларда ёзилган) номли асарида, асосан, Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинсада, айти пайтда Мовароуннаҳрда кечган тарихий воқеаларга ҳам ўрин берилган. Шу муносабат билан Кеш шаҳри ва вилояти ҳам бир неча марта эслатиб ўтилади. Чунончи, Суғд, Кеш ва Нахшабдан 120 минг кишилик қўшин йиғилиб, арабларга қарши жангга шайлангани, Кеш ва Нахшабдан катта лашкар тўпланиб, Қутайбага қарши чиқилгани, Муқанна қўзғолони ва унинг Кеш вилоятида қўллаб-қувватлангани, қаттиқ жанглар бўлгани хусусида анча батафсил ёзилган⁸¹.

⁷⁹ Аби Jshak al-Farisi al-Istaxri/ Kitob masalik wa-l-mamalik /ed.M.J.de Qoeje.-BGA, v.1, ed. 3.-Leiden, 1967; p.324; Аби'l-Kasit ibn Наикаl ап-Nisibi. Kitab surat al-ars/Ed. I.H.Kramers. - BGA, v. II, ed.3. - Leiden,1967, p.501.

⁸⁰ Худуд ал-алем. Рукопись Туманского с введением и указателем В.Бартольда. Л., 1930.

⁸¹ Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси. - Тошкент, 1966. – Б. 115-116.

Абу Райхон Берунийнинг (973-1048) “Қонуни Масъудий” асаридаги шаҳарлар жадвали қисмида Кеш бешинчи иқлимдаги шаҳарлар таркибида берилган ва координаталари географик узунлиги географик кенглиги $39^{\circ}50^1$ кўрсатилган⁸².

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) «**Китаб ал-ансоб**» қомусий асарида Ўрта Осиё табиати, хўжалиги, шаҳарлари, олим ва фузалолари ҳақида қимматли маълумотлар берилган, Кеш алоҳида вилоят сифатида тавсифланган. Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ ва маҳаллий аҳоли шаҳар номини «Кишш» шаклида талаффуз қилади, дейилади. Кеш вилоятида эса ўнта қишлоқнинг номи ва ўрни қайд этилган. Куръон, ҳадис ва фикҳ соҳаларининг етук олимларидан Абулмуҳаммад Абдулҳамид ибн Хумайд ал-Жанубий Сўғдий (ваф. 863) исми ҳам эслатилган⁸³.

Ёхут ал-Хамавийнинг (1179-1229) «**Муъжам ал-булдон**» асарида Кешнинг арабча талаффузда «Кис» шаклида ёзилгани таъкидланиб, унинг ва атрофидаги қишлоқлар ҳақида қисқача маълумотлар берилган⁸⁴.

Кеш шаҳри ривожига воҳа орқали ўтган савдо йўллари, хусусан Фарғона, Чоч воҳаси ва Самарқанддан Оқработ ва Темир Дарвоза орқали Тоҳаристонга олиб чиқувчи йўл катта ўрин тутарди. Илк ўрта асрларда Кешдан Ҳисор тоғлари орқали Тоҳаристонга олиб ўтувчи тоғ йўллари (Тошработ, Калтаминор доволари)дан фойдаланиш анча фаоллашди. Хитой манбаларида Сўғдиёна ва Тоҳаристон чегарасида жойлашган “Темир Дарвоза” ҳақида келтирилган маълумот⁸⁵ ҳам Ҳисор тоғи доволари орқали ўтувчи йўллардан фаол фойдаланилганлигидан далолат беради.

⁸² Абу Райхан Беруни. Канон Мас'уда (I-V). Вступительная статья, перевод и примечания П.Г.Булгакова и Б.А.Розенфельда при участии М.М.Рожанской. Т.У.ч.1 Ташкент, 1973; Абу Райхон Беруний. Қонуни Масъудий. 1-5 мақолалар. Таржимон А.Расулов. Изоҳларни А.Аҳмедов ва А.Расулов тузган. (Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар V, биринчи китоб. Т., 1973, 426-бет).

⁸³ Камалиддинов Ш. «Китаб ал ансаб ас Самани» как исторический источник. Т.: Фан, 1994.

⁸⁴ Бартольд В.В. Историческая география... С. 127.

⁸⁵ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С.329.

Темир Дарвоза – Саримас тоғидаги дара номибўлиб, турли даврларда турлича аталиб келинган. Кенг тарқалган номлари Бузгалахона, Темир Дарвоза ва бошқалар. Қадимдан Бактрия ва Жанубий Суғдиёна бoғловчи асосий йўл бу тор дара орқали ўтган. Суғддан бу дара орқали Шўробсойга ва яна бир тор дара орқали (бу дарадан узунлиги 500 метрча келадиган йўл ўтган ва баъзи манбаларда Кичик Бузгалахона деб ҳам аталган) Дарбандга чиқилган. Ҳозирда Ғузордан Оқработ орқали Сурхон воҳасига ўтувчи автомобил ва темир йўлининг шимоли-шарқий томонида, автомобил йўлидан 2 км. ча узоқликда жойлашган.

Илк ўрта асрларда вужудга келган янги дехқончилик воҳалари негизида ўрта асрлар даврида Кешда 16 та русток шаклланади. Улар Аргон, Ару, Баландарин, Бузмажон, Кашк, Маймурғ, Кашкурд, Расмаин, Руд, Сийам, Сурруда, Ички Санкарда, Ташқи Санкарда, Мийан Киш, Жажруд, Ҳузар ва Ҳузаррудномлари билан аталган. Бу мулкларнинг географик ўрни ва майдони, тутган мавқеи мутахассислар томонидан бирмунча ўрганиб чиқилган. Улар илк ўрта асрларда аслзода дехқонлар томонидан бошқарилган бўлиб, улар одатда ҳукмрон турк ҳоқонлари билан яқин қариндошчилик алоқасида бўлган⁸⁶.

VII асрга оид Хитой манбаси “Таншу” (Тан сулоласи тарихи)да Ши ўлкасига тегишили мулклар ичида Темир дарвоза ҳам бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Бойсун тоғидаги бу тор дара Бузгала номи билан ҳам маълум. Араб манбаларида “Боб ал Хадид” (Темир дарвоза) номи билан қайд этилади⁸⁷.

Кешга қарашли Ҳузор рустоқи катта мавқега эга бўлган. Бу унинг қўлай стратегик жойда, Суғдиёна ва Тоҳаристон шаҳарларини бoғловчи карвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги билан ҳам белгиланарди.

⁸⁶ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 23-24.

⁸⁷ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана ... – С. 25-26.

Афсоналарга кўра, Ғузур шахрини Турон подшоҳи Афросиёб барпо этган. Ғузурдарёнинг ҳар иккала соҳилида илк ўрта асрлар арафасида Хўжа Румас, Ялпоктепа, Октепа, ва Хужа Бузрук каби мустаҳкам химояланган хунармандчилик марказлари шаклланади. Дехкончилик хавзасининг маъмурий маркази ҳозирги Ғузур шаҳри ўрнида бўлиб, кейинчалик кичик мулк сифатида ривож топади. Ғузурдарё хавзасида дехкончилик воҳасининг шаклланиши ва хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиб бориши халқаро савдо-транзит йўллари тармоғининг Тохаристонга элтувчи йўналишига боғлиқ тарзда савдо-сотик алоқаларининг кучайиши билан ҳам изоҳланади. Чунки, Жанубий Суғднинг йирик марказлари Кеш ва Нахшабдан келувчи савдо йўллари айнан Ғузурдарё хавзасида туташган ҳамда Темир Дарвоза орқали жанубий ўлкалар билан ўзаро боғланган⁸⁸. Темир Дарвоза орқали олиб борилган савдо-иқтисодий алоқалардаги сўнгги чегара пункти сифатида Субах ва Ялпоктепа каби ёдгорликлар мустаҳкам химоя деворларига эга бўлган.

Ғузурдарё водийсида жойлашган Хузур (Ғузур) ривожланган ўрта асрларда ҳам Кеш вилоятининг йирик рустоқларидан бири сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Ғузурга қарашли Субах ҳам Хузур рустоқи худудида, Насафдан Термизга ўтувчи савдо йўли бўйида жойлашган эди⁸⁹.

Жанубий Суғдиёнадаги рустоқларнинг марказлари одатда йирик шаҳарлар бўлган. Қашқадарё воҳаси худудида илк ўрта асрлар даврига тегишли кўплаб археологик ёдгорликлар ўрганиб чиқилган. Улар ёзма манбаларда қайд этилган ўша шаҳарларнинг харобаларидир.

⁸⁸ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 159.

⁸⁹ Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) ... – P. 497. Субах майдони, археологик тадқиқотларга кўра, 100 га.ни ташкил этиб, Ғузурдан 8 км. шимолий-ғарбда - Қарши йўлида жойлашган Улуғтепа ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Кеш шаҳри ва вилояти илк ўрта асрларда ҳам, IX-XII асрларда ҳам Мовароуннахрнинг йирик ва иқтисодий жиҳатдан қудратли худуди бўлганлигини кўрсатмоқда. Иқлимнинг қулайлиги, сув заҳираларининг мўллиги, ерларининг ҳосилдорлиги деярли барча манбаларда акс этган. Бу ўз навбатида Кешнинг тарихи ва тарихий географиясини ўрганишни янада долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

2.1. Насаф вилоятининг тарихий географияси.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида вужудга келган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий муносабатларда вужудга келган кескин вазият бутун минтақада бўлганидек қуйи Қашқадарё воҳасида шаҳар маданияти ривожига, воҳанинг тарихий географиясига, сиёсий чегараларига, топонимикасига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди. Жанубий Суғдиёнанинг бу даврдаги тарихи ва тарихий географиясини ушбу ўзгаришлар кесимида кўриб ўтамиз.

Қашқадарё воҳаси қадим даврлардан бошлаб географик жиҳатдан иккита йирик тарихий вилоятга - Шаҳрисабз ва Қаршига бўлинади. Шаҳрисабз воҳаси (Қадимги Кеш) Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлашган бўлиб, Шарқдан Ҳисор тоғ тизмалари билан ўралган. Қуйи Қашқадарёда, воҳанинг текислик қисмида эса Қарши (Қадимги Нахшаб) вилояти жойлашган бўлиб, у Ғарбда Сандиқли қумликлари орқали Қизилқум билан туташиб кетган.

Антик давр манбаларида Қашқадарё воҳасида жойлашган Наутака ва Ксениппа вилоятлари қайд этилади. Баъзи мутахассислар (А.Сагдуллаев ва бошқалар) Шарқий Қашқадарё худудини Наутака ва унинг маркази Китоб тумани худудида жойлашган Узунқир ёдгорлиги ўрнида бўлган деб ҳисоблайдилар. Бошқа тадқиқотчилар эса

(М.Е.Массон, Н.Кабанов, Р.Ҳ.Сулайманов ва бошқалар), Наутакани (бу ерда, эҳтимол, Наутаканинг ўрта асрлардаги Нахшаб, Насаф атамаларига яқинлигидан келиб чиқиб) Қарши воҳасида ва унинг маркази Ерқўрғон ёдгорлиги ўрнида бўлганлигини, Ксениппа эса ўрта асрлардаги Кеш вилоятига тўғри келишини қайд этишган эди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар қўйи Қашқадарё воҳаси қадимда Никшапа деб аталганлигини, бу атама юнон-рим манбаларида Ксениппа тарзида ўзгариб кетганлигини, Нахшаб атамаси ҳам Накшипа сўзидан келиб чиққанлигини тасдиқлади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, Ксениппа номи ўтган даврлар мобайнида фонетик ўзгаришларга учраб ҳозирги Касон шаҳри тарзида ўзгариб кетган⁹⁰.

Нахшаб шаҳри ва вилояти Қашқадарё воҳасининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бу ҳудудга хос хусусиятлардан бир, бу ерда суғорма деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик азалдан ривожланган бўлиб, ўзининг табиий шароити билан Шарқий Қашқадарё, яъни Кеш-Шаҳрисабз вилоятидан тубдан фарқ қилар эди. Насаф вилоятининг асосий сув манбаи бўлган Қашқадарё суви ёз фаслида кескин камайиб, қурғоқчилик йилларида эса бутунлай куриб қолган.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Қашқадарё қадимги даврдан то XIII аср бошларигача Зарафшон дарёсига қуйилган. Зарафшон дарёси эса ўз навбатида ҳозирда куриб қолган Мохондарё ўзани орқали Амударёга қуйилиб турган⁹¹.

Қашқадарё воҳасининг тарихий географик чегаралари ўзгаришига қуруқ иқлим ва табиий шароит ҳам катта таъсир кўрсатиб турган. Шунга қарамадан бу даврда вужудга келган сиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари ҳам албатта эътироф этиб ўтиш лозим.

⁹⁰ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 49.

⁹¹ Гулямов Я.Г. Исследование исторической географии низовьев Кашкадарьи и Зеравшана. ИМКУ. Вып.6. - Ташкент: Фан, 1965.

Эфталийлар давлати ва Турк ҳоконлиги даврида анъанавий мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда, воҳа тарихий географиясида ҳам янги ўзгаришлар вужудга келди.

Илк ўрта асрларда Нахшаб шаҳри Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги илк ўрта асрларда барпо этилган йирик шаҳри бўлиб, унинг харобалари Қарши шаҳрининг жанубидаги Қалаи Захоки Марон ёдгорлиги ўрнида бўлган⁹².

Илк ўрта асрларда Нахшаб уч қаторли мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, 225 га яқин майдонни эгаллаган эди. Қалаи Захоки Марон ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича Нахшаб шаҳрига мил.авв. III-II асрларда асос солинган.

Илк ўрта асрларга тегишли Хитой манбаларида, хусусан, “Бейши”да бу шаҳар ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. Унда Ношеболо вилоят ҳокимининг қароргоҳи Боло шаҳрида эканлиги, шаҳар текисликда жойлашгани, гуруч, буғдой ва турли мевалар етиштирилиши ҳақида маълумотлар мавжуд⁹³.

Қуйи Қашқадарёдаги Нахшаб шаҳрининг Эфталийлар ҳукмдорининг қароргоҳларидан бири бўлганлиги⁹⁴ Жанубий Суғднинг (Қашқадарё воҳаси) сиёсий мавқеи ошишига олиб келди. Лекин Нахшаб шаҳри араблар истилоси ва айниқса Муқанна кўзғолони даврида тушкунликка учраган ва вайрон бўлган. Ривожланган ўрта асрлар бошида Қуйи Қашқадарёда, ҳозирги Қарши шаҳрининг шимолий ғарбий қисмида, Қашқадарёнинг чап қирғоғида янги шаҳарга асос солинади. Маҳаллий аҳоли Нахшаб деб атаган бу шаҳарни араблар ўз

⁹² Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент: Фан, 1973. – С. 21.

⁹³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч. II. – С. 272, 145-3

⁹⁴ Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 24.

талаффузларига мослаб Насаф деб номланганлар. Шаҳарнинг ривожланган даври X–XII асрларга тўғри келади. Насаф шаҳри (бу шаҳар мўғуллар босқинидан сўнг харобага айланган), археологик тадқиқотларга кўра, Қаршидан 8 км. шимоли-ғарбдаги Шуллиуктепа ёдгорлиги ўрнида бўлган.

Бу янги шаҳар манбаларда икки хил номда Нахшаб ёки Насаф тарзида келтирилади. Бу шаҳарни араблар ўз талаффузларига мослаб Насаф деб атаган бўлсаларда, маҳаллий аҳоли янги барпо бўлган шаҳарни ҳам Нахшаб деб атаганлар. Хусусан, Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Нахшаб шаҳрини ҳам эслатиб ўтади⁹⁵.

Биз кўриб чиқаётган чиқаётган даврда, аниқроғи илк ўрта асрларда Нахшаб, ривожланган ўрта асрларда эса Насаф шаҳари қуйи Қашқадарёнинг бош шаҳри сифатида фаолият кўрсатган.

Нахшаб ва Насаф тарихига бағишланган дастлабки тадқиқотлар XX аср бошларига тегишли бўлиб, улар ичида П.А. Зиминнинг махсус тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга⁹⁶. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, С.К. Кабанов⁹⁷ ҳамда М.Е.Массоннинг тарихий археологик йўналишдаги тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди⁹⁸.

Насаф шаҳрининг ўрта асрлардаги ўрнини махсус ўрганиш учун, 1946 йилда С.К. Кабанов раҳбарлигида экспедиция уюштирилди. У шаҳарнинг ғарбий қисмини кесиб ўтган Бешкент ариғи ўзанида қазилган ишларини олиб бориб бу ердан, даври ҳар хил сополлар, ўрта асрларга оид қошинкор тошлар, босма нақшли идиш бўлаклари топди.

1965 йилда М.Е.Массон раҳбарлигидаги КАТЭ аъзолари С.К.Кабанов ишларини давом эттириб, Қарши калъаси ўрнида қазилган

⁹⁵ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулов таржимаси // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 154

⁹⁶ Зимин П.А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности. Сборник В.В. Бартольд. Туркестанский друзья, ученики и по читатели. - Ташкент: Наука, 1927. С.197-214.

⁹⁷ Кабанов С.К. нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.) – Ташкент: Фан, 1977.

⁹⁸ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент: Фан, 1973.

ишларини олиб борди.

Маълумки, ўрта аср шаҳарларни бошқа аҳоли пунктларидан ажратиб турадиган бир қанча белгилари, хусусиятлари мавжуд. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда шаҳарлар кўпроқ маъмурий марказ сифатида таърифланади. Шу билан бирга жума масжиди мавжуд бўлган барча йирик аҳоли пунктларини шаҳарлар сифатида қараш ҳам учраб туради. Қадимда, хусусан, дини исломда шаҳарларга ойдек нисбат берилган, улар дорул, байт - ул, шариф каби иборалар билан улуғланган.

Ўтмишда шаҳарлар ҳаётнинг гоҳ авж олиши, гоҳ тушкунликка учраши, содир бўлган. Маданият, ижтимоий ривожланишнинг доимий йўлдоши бўлган шаҳарлар мамлакат аҳолиси ва ҳудудининг маълум қисмини ташкил этган. Шунинг учун юртнинг тарихи, тавсифи ва тақдири кўп жиҳатдан унинг шаҳарлари тақдири билан боғлиқ бўлган.

Замонавий тадқиқотчиларнинг кўрсатишича шаҳарлар маълум катталиқдаги ҳудудга эга бўлган, тузилишига кўра бир нечта қисмларга бўлинган монументал иншоотлар мавжуд бўлган, аҳолиси ҳунармандчилик ва савдо сотиқ билан машғул бўлган йирик аҳоли пунктларидир.

Қашқадарё воҳасида юқорида эслатиб ўтилган белги ва хусусиятларга эга бўлган бир нечта йирик шаҳарлар мавжуд эди. Бу шаҳарлар тузилиши тарихий топографиясини ёритишда ёзма манбалардаги маълумотлар, ҳамда археологик этнографик тадқиқотлар натижалари катта роль ўйнайди. Улар асосида воҳанинг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган Насаф ва Кеш каби йирик шаҳарларга, шунингдек Ғузор, Субаҳ, Безда, Касби каби кичик шаҳарлар тарихига ва тарихий географиясига тўхталиб ўтамиз. Аввало, нафақат воҳада балки бутун Мовароуннаҳрда катта нуфузга эга бўлган Насаф шаҳрига тўхталиб ўтиш лозим. Араблар истилоси оқибатида Нахшаб шаҳри

вайрон этилгач, Қашқадарё воҳасининг қуйи окимида деярли 100 йилга яқин шаҳарсозлик маданияти инқирозга учрайди.

X асрда Насаф шаҳри уч қисмдан, яъни шаҳар ҳокимининг қароргоҳи бўлган қалъа, бевосита шаҳар ва унинг рабодидан иборат бўлган йирик шаҳар эди. Шаҳар мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, тўртта дарвозаси бўлган. Манбаларга кўра уларнинг шимоли-ғарбидагиси Бухоро дарвоза, шмоли-шарқий қисмидагиси Самарқанд дарвоза, жануби-шарқидагиси Кеш дарвоза ва жануби-ғарбидагиси Губдин дарвоза деб аталган⁹⁹. Табиийки бу дарвозалардан тегишли шаҳарларга олиб борувчи қарвон йўллари бошланган. Шаҳар ўртасидан оқиб ўтувчи дарё устидаги ғишт кўприк бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд¹⁰⁰.

X асрда шаҳар арки вайрона ҳолда бўлиб, Қашқадарёнинг ҳар икки қирғоғида жойлашган рабодида аҳоли гавжум жойлашган эди. “Дар ал-имара”, яъни “ҳукумат уйи” (ҳукмдор қароргоҳи) ва турма Қашқадарё қирғиғидаги “Ра’с ал-кантара” (кўприкнинг боши) деб аталувчи жойда жойлашган эди. Шаҳарнинг жоме масжиди рабодда, Губдин дарвозаси олдида жойлашган бўлиб, шаҳар бозори ҳоким қароргоҳи ва жоме масжиди орасида фаолият кўрсатар эди. Шаҳар рабодида, Бухора дарвозаси яқинида Ҳайит номозлари ўқиладиган “ал Мусалла” масжиди ҳам бўлгани манбаларда акс этган¹⁰¹.

Насаф шаҳри аҳолиси сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда Қашқадарё сувидан фойдаланганлигини тасдиқловчи археологик маълумотлар мавжууд. Хусусан, шаҳар рабодининг шимоли-шарқий қисмида сопол қувурлар топилгани шундан далолат беради¹⁰². Лекин

⁹⁹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент: Фан, 1973. – С. 47.

¹⁰⁰ Массон М.Е. Среднеазиатские мосты прошлого и проблемы их изучения. – Ташкент: Узбекистан, 1978.

¹⁰¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 52.

¹⁰² Анарбаев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии (V – начало XIII вв.) – Ташкент: Фан, 1981. – С.84-86.

Қашқадарёнинг суви қурғоқчилик йилларида, айниқса ёз фаслида кескин камайиб кетиши сабабли шаҳарда кўплаб қудуқлар ҳам бўлган. Шаҳар аҳолисининг нафақат ичимлик сувини, балки экинларини ҳам қудуқлар сувидан фойдаланиб суғоргани манбаларда акс этган¹⁰³.

Воҳа худуди орқали қадимда Бухоро ва Самарқанд Суғдидан Жанубий-Шарқий Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондаги савдо шаҳарларига олиб боровчи йўллар ўтган бўлиб, бу қарвон йўллари йўналишларини ўрганиш Жанубий Суғд ва ундаги мулклар, маконларнинг жойлашувига хос хусусиятларни ва чегараларини, тарихий географик ўрнини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Илк ўрта асрларда Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар қуйи Қашқадарёнинг йирик шаҳри Нахшабда туташган. Бу даврга мансуб Хитой манбаларида (Бейши) Ношеболо деб номланган¹⁰⁴ бу шаҳардан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувларга (Келиф, Керки, Бурдалиқ) ёки Субах, Ҳузор, Темир Дарвоза орқали Термизга борилган.

Самарқанддан жанубга кетувчи асосий йўлларнинг бир йўналиши ҳозирги Кўкдала даштлари ва Қўнғиртоғнинг шимолий ёнбағирлари орқали ўтган. Бу худудда илк ўрта асрларда ўтроқ маконлар кам учраб, асосан кўчманчи чорвадор қабилаларнинг қишлоқ қароргоҳлари, қудуқлар мавжуд бўлиб, улар Самарқанд – Нахшаб йўлининг муҳим бекатлари сифатида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга воҳадаги қадимги йўлларни ўрганиш давомида тўплаган маълумотларимиз Самарқанд – Нахшаб оралиғидаги даштларда илк ўрта асрлардаёқ йирик истеҳкомлар кўринишидаги кўрғонлар пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. Бунга мисол тариқасида Кўкдаладан 20 км.ча ғарбда жойлашган Ҳазорбуқа ва Қоратепа ёдгорликларини

¹⁰³ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана ... – С. 55.

¹⁰⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 273.

кўрсатиш мумкин. Самарқанд – Қарши темир йўлидан 1,5-2 км. ча фарбада, Олатун темир йўл бекатига яқин жойда жойлашган Ҳазорбуқа ва Қоратепа ёдгорликлари XX асрнинг 70-йилларида КАТЭ аъзоси А.С. Сагдуллаев томонидан ўрганилган. Тадқиқотчи Ў. Мавлоновнинг фикрича бу ёдгорликка мил. III-IV асрларда асос солинган¹⁰⁵. Бу ёдгорликлар маҳаллий чорвадорларнинг қишлоқ қароргоҳлари ҳамда Самарқанд – Нахшаб савдо йўлининг муҳим оралиқ бекатлари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу маконларнинг географик ўрни чорвадор қабилаларнинг жойлашуви, қишлоқ қароргоҳларини ва яйловларини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Самарқандни жанубдаги халқаро савдо марказлари билан боғловчи йўл ҳам қадимдан Қашқадарё воҳаси орқали ўтган. Уларнинг энг муҳими ва фаол фойдаланилгани Самарқанд – Насаф йўналиши бўлган. Самарқанддан Жом дашти орқали Насафга келган йўл бу ерда бир неча тармоққа бўлинган. Бир йўналиши Бухородан келган йўлга қўшилиб Субаҳ, Киндик қишлоғи, Темир Дарвоза орқали Термизга олиб борган. Киндик қишлоғи Насафдан ва Кешдан 3 кунлик йўл масофасида бўлиб, бу ерда Самарқанддан Кеш орқали келувчи савдо йўли Насаф – Термиз савдо йўлига қўшилган¹⁰⁶. Самарқанддан Насаф орқали Амударёдаги кечувларга (Келиф, Керки, Амул) ҳам борилган¹⁰⁷.

Самарқанддан, шунингдек, Жом чўли – Чироқчи – Ҳузар (Ғузур) йўналиши орқали Темир дарвозага ва Чағониёнга (Сурхон воҳасига) чиқувчи ўрта йўл ҳам бўлган. Қашқадарёнинг ўрта оқими ўнг

¹⁰⁵ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 103.

¹⁰⁶ Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия... – С. 191; Лунина С.Б. О торговых связях Кашкадарьинского оазиса в IX-XII вв. // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Т.: Фан, 1990. – С. 101-105; Ўша муаллиф. Города южного Согда... – С. 77.

¹⁰⁷ Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с сопредельными территориями // Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М., 1990. – С. 103.

қирғоғидаги Олтинбоштепа ва Чандарактепа номлари билан сақланиб қолган ёдгорликлар бу йўналишни аниқлаштиришга ёрдам беради¹⁰⁸.

Жанубий Суғдда шунингдек, Бухородан тўққиз кунлик масофада бўлган Амударёнинг чап соҳилидаги Келиф ва Керки шаҳарларига элтувчи йўллар тизимида Касби ва Базда, Искифагн, Кеш ва Нахшаб оралигида Навқад-Курайш, Олтинтепа каби хунармандчилик марказлари ҳамда кўплаб қишлоқлар ривож топади. Топилмалар ва ёдгорликларнинг тарихий- географик жойлашуви бўйича амалга оширилган тадқиқотлар бу ёдгорликлар асосий қисмининг иқтисодий ривожини биринчи навбатда деҳқончилик хўжалиги ташкил этганлигини тасдиқлайди.

Илк ўрта асрларда ҳам Турк ҳоконлигининг икки йирик шаҳри Бухоро ва Самарқандни Хуросон ва Ҳиндистон билан боғловчи транзит савдо йўллари Қашқадарё воҳаси орқали ўтарди. Бу йўллар бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар воҳанинг тарихий географик чегараларини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабали бу йўналишларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бу даврда воҳанинг бош шаҳри ҳисобланган Насаф¹⁰⁹ ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилади¹¹⁰. Қашқадарё воҳасинининг иккита бош шаҳри - Насаф ва Кешни боғловчи ички савдо йўли илк ўрта асрларда Қашқадарёнинг чап қирғоқлари бўйлаб ўтган. Бу йўналишда Зухратепа, Қамайтепа, Олтинтепа, Кишмиштепа ва бошқа ёдгорликлар ўрганиб чиқилган¹¹¹

¹⁰⁸ Хусусан, Чандарактепа (IX-XIII аср бошлари) Қашқадарёдаги кечувини назорат қилувчи муҳим манзил ҳисобланган. Бу ҳақда қаранг: Лунина С.Б. Города Южного Согда... – С. 35-36.

¹⁰⁹ Батафсил қаранг: Масон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – 98 б.

¹¹⁰ Улар ҳақида қаранг: Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) ... – P. 481; Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хавкаля ... – С. 20; Камалидинов Ш.К., “Китаб ал ансаб” Абу Са’ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии ... – С. 100; Buryakov Y.F., Vaipakov K.M., Tashbaeva Kh., Yakubov Y. The citils and routes of The Great silk road (On Central Asia documents). – Tashkent: Sharq, 1999. – P. 50-54.

¹¹¹ Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard)... – P. 497. Бу шаҳар номланишидан келиб чиқиб, унга араб истилосидан кейин Курайш қабиласи вакиллари томонидан асос солинган деган фикрлар бор. Қаранг: Камолиддин Ш.С.К вопросу об этнической ситуации // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 233; Массон М.Е. Работы КАТЭ и ТашГУ по изучению

Бу даврда Бухоро – Насаф йўналиши (30 фарсах) Қорачун, Миёнқал, Маймурғ орқали ўтган бўлиб, уни карвонлар 4 кунда босиб ўтишган¹¹². Насафда Бухородан келувчи йўл тармоқланиб, Балхга куйидагича: Насаф – Субах – Киндик қишлоғи – Темир Дарвоза – Термиз – Балх ёки Насаф – Келиф – Балх йўналишларида бориш мумкин эди¹¹³.

Амударёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувлардан бўлган Келиф Термиздан 2 кунлик йўлда, Балхдан 18 фарсах узоқликда жойлашган эди. Араб манбаларида, бу кечув номи билан аталувчи Келиф шаҳри Амударёдаги дарёнинг ҳар икки томонида жойлашган ягона жойлиги қайд этилади¹¹⁴.

Насафнинг ғарб томонида Каспи (4 фарсах) ва Безда қишлоқлари (6 фарсах) жойлашган бўлиб, улар илк ўрта асрларда Нахшаб мулкининг ғарбий чегараларида жойлашган эди. Каспи арман манбаларида мустаҳкам қўрғон сифатида қайд этилади. Сосонийлар даврининг машҳур саркардаларидан бири Баҳром Чубин Турк ҳоконлиги ерларини забт этганда Балхдан барча “Кушонлар ерини” Каспионгача бўлган ҳудудларни қўшиб бўйсундирганлиги манбаларда ёзиб қолдирилган¹¹⁵. Х асрда, араб манбаларига кўра, Каспи Насафдан ҳам каттароқ шаҳар бўлган.

Нахшабнинг ғарбий қисмида жойлашган Безда шаҳри ҳам Жанубий Суғднинг муҳим мулкларидан бири бўлган. Сув манбалари етарли бўлмасада, Базда атрофидаги мулкларда деҳқончилик

восточной половине Кашкадаринской области УзССР // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. –Ташкент, 1957. – № 533. – С. 60-61; Лунина С.Б.О возможном отождествлении Наукад Курайша // Материалы по истории и археологии Средней Азии. –Ташкент:Фан, 1975.– С. 3-14..

¹¹²Бартольд В.В.Туркистан в эпоху монгольского нашествия... – С. 191.

¹¹³Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 77.

¹¹⁴ Келифнинг асосий қисми дарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, бу ерда масжид ва Зулқарнайн работи, ўнг қирғоқда эса Зул-кифла работи бўлган. Қаранг: Shamsaddin Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descripio imperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje. Lugduni – Batavorum apud E. J. Brill, 1967. – P. 291, 333.

¹¹⁵Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 56.

ривожлангани, аҳоли экинларини кудуқ сувлари билан суғориши манбаларда акс этган. Базда шахрига мил. эра бошларида асос солинган. Турк ҳоконлиги даврида Нахшаб мулкининг ғарбий чегараларидаги муҳим истехкомлардан бири ҳисобланган. Нахшабдан Бездагача бўлган масофа 40 км ни ташкил этган¹¹⁶. Бу шаҳар харобалари Кухна Фазли ёдгорлиги ўрнида бўлган.

Каспи ва Безда шаҳарлари ўзларининг қулай географик ҳолати туфайли Бухородан Термиз, Балх ва Хуросоннинг бошқа савдо шаҳарларига ўтувчи карвон йўллари тизимида муҳим ўрин тутган. Манбаларда Бухородан Каспи орқали Термизга, Безда орқали Келиф кечувига ва Термизга (улар орасида Жикен, Кўхна работ, Саид кудуғи, Безда, Ҳоран Работи, Бухороликлар қишлоғи, Хоразмликлар қишлоғи ва Балхан каби оралик манзиллар бўлган) борувчи карвон йўли ҳақида маълумотлар мавжуд¹¹⁷. Карвонлар Бухородан Бездагача бўлган масофани 4 кунда, Бухоро – Келиф йўлини эса 5 кунда босиб ўтганлар¹¹⁸. Бу йўналиш савдо карвонларининг йўлини анча қисқартириб, вақт ва йўл харажатларини тежаш имконини берарди.

Жанубий Суғдиёнанинг асосий сув манбаи бўлган Қашқадарё ҳамда унинг чап ирмоғи бўлган Ғузордарё ҳавзасидаги Кеш, Накшипа (Ксенипа), Нахшаб, Субаҳ каби шаҳарлар воҳанинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларида катта ўрин тутган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, милодий эра бошларида Ерқўрғондан Қашқадарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Бештепа, Ўратепа, Қўзибой тепа, Шаҳри-Хайбар ёки Қорабайир тепа, Пайшанба тепа каби ёдгорликлар орқали шимолга

¹¹⁶Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 58.

¹¹⁷ Карвонлар бу йўлни 11 кунда босиб ўтган. Қаранг: Извлечения из “Ахсан ат-такасим фи-ма’рифат ал-акалим” ал-Макдиси. По изд. DeGoeje. (VGA, I). / Пер. С. Волина. // МИТТ. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. Труды института востоковедения.– М. –Л. Изд-во АН СССР, 1939. Т. I. – С. 206.

¹¹⁸ Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) ... – P. 481; Бартольд В.В. Туркистан в эпохи монгольского нашествия ...– С. 190-191; Массон М.Е.Столичные города в области низовьев Кашкадарьи... – С. 37.

кетувчи йўллар, Насаф (Шуллуктепа), Кофиртепа, Қалъаи Заҳоки Морон орқали Ғузор воҳасига кетувчи йўллардан фойдаланилган¹¹⁹. Бу даврда Шарқий Қашқадарёнинг бош шаҳри бўлган Кешни¹²⁰ Накшипа (Ерқўрғон) билан боғловчи йўл воҳанинг ички йўллари тизимида бош бўғин бўлиб қолди

Юқорида билдирилган фикрларга қўшимча равишда шунни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг қадимий тарихий вилоятларидан бири бўлган Қашқадарё воҳаси мисолида, воҳанинг тарихий географияси масалаларини ёритиш орқали биз тарихчилар ва мутахассисларни бу воҳа тарихига эътибор қаратишга, ўрта асрлар даврга хос мураккаб сиёсий вазиятга қарамасдан, воҳанинг тарихий географиясига бағишланган тадқиқотларни давом эттиришнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу Ўзбекистон тарихини тўлиқ ва ҳаққоний яратишда катта ўрин тутди ва бу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш муҳим натижаларга олиб келиши шубҳасиздир.

¹¹⁹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб ... – С. 14-15.

¹²⁰ Кеш ўша даврда ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида бўлган. Бу шаҳар ҳақида қаранг: Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент, 1989. – С. 27-33.

III БОБ. Сурхон воҳасининг илк ва ривожланган ўрта асрлар (XIII аср бошлари) давридаги тарихий географияси.

3.1. Термиз шаҳри ва вилоятининг тарихий географик шарҳи

Термиз шаҳри Жанубий Ўзбекистоннинг йирик ва қадим тарихига эга шаҳарларидан биридир. Амударёнинг ўнг қирғоғида, муҳим кечув бўйида жойлашган (эхтимол, дастлабки даврларда кечувни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган) Термиз мил. авв. I мингйиллик ўрталаридан бошлаб Шимолий Бақтриядаги энг йирик шаҳар сифатида кўзга ташланади¹²¹. Бу шаҳар антик давр ва айниқса илк ўрта асрларда Ўрта Осиё жанубий худудларининг ички ва ташқи алоқаларида, хусусан, Бақтрия пойтахтини Шимолий Бақтриядаги маконлар ва Суғд билан билан боғловчи йўллар тизимида асосий ўрин тута бошлайди¹²².

Термиз шаҳрининг барпо этилиши ҳақида манбаларда турлича маълумотлар сақланиб қолган. Тарихчи Ат Табарий Термизнинг барпо этилиши масаласига тўхталиб, ўз асарининг бир жойида Термизни Александр Македонский барпо этган 12 та шаҳарларнинг бири сифатида қайд қилса, бошқа жойда бу шаҳар сосоний ҳукмдор Кубод (489-581) томонидан барпо этилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади¹²³. Ҳофиз Абрунинг “География” асарида Термизга Александр Македонский асос солганлиги ҳақида маълумот берилади¹²⁴. Маҳаллий манбаларда эса Александр истилоси давригача бу ерда шаҳар мавжуд бўлганлиги қайд этилган¹²⁵.

¹²¹ Бу шаҳар тарихи бўйича батафсил қаранг: Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.

¹²² Пидаев Ш.Р. Кўҳна Термиз ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52-53; Leriche P., Sh. R.Pidaev. Termez // LA BACTRIANE. Les fabuleux tresors de L'Oxus // Dossiers d'Archeologie. – Paris, 1999. № 247. – P. 43-49.

¹²³ Ат-Табари. Тарихи Табари (“История” ат-Табари). Избранные отрывки /Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Бальшакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 210.

¹²⁴ Баргольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII. – С. 92.

¹²⁵ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 100.

Термиз атамаси бўйича ҳам ягона ва умум қабул қилинган илмий асосли фикрлар ишлаб чиқилмаган. Айрим маълумотларга кўра Термиз шаҳри номи Юнон Бактрия подшоҳи Деметрий номидан келиб чиққан. Хитой манбаларида бу шаҳар “Та ми” шаклида келтирилади¹²⁶.

Илк ўрта асрларда Термиз вилояти Термиз шаҳрини ва унга тегишли бўлган ҳудудларни ўз ичига олган йирик мулк ҳисобланган. Берунийнинг маълумотига кўра, исломгача бўлган даврда Термиз ҳукмдорлари “Термизшоҳ” унвонига эга бўлганлар¹²⁷.

Термиз шаҳрида 630 йилда бўлган Хитой сайёҳи, будда монахи Сюань Цзань Термизни туркларга тегишли шаҳар эканлигини, бу ерда 10 та будда ибодатхонаси борлигини, шаҳар шарқдан ғарбга қараб чўзилган бўлиб 20 ли (7-10 км) майдонни эгаллаганлигини маълумот сифатида қайд этади¹²⁸.

Термиз шаҳри 689 йилда араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳ томонидан босиб олинди, маҳаллий ҳукмдор “Термизшоҳ” шаҳардан ҳайдалгани ва 15 йил мазкур лашкарбоши томонидан халифаликдан мустақил мулк сифатида бошқаргани, фақатгина 704 йилда лашкарбоши Усмон ибн Маъсуд 15 минг кишилик қўшин билан келиб Мусо ибн Абдуллоҳни шаҳар ҳукмронлигидан маҳрум қилгани манбаларда акс этган¹²⁹.

Араб географлари маълумотларига кўра, IX-X асрларда Термиз Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик ва аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлиб, Ҳутаалон ва Сағониённинг савдо маркази ҳисобланган. Шаҳар яқинида Амударёнинг энг тор кечуви жойлашган бўлиб, шаҳар

¹²⁶ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996. –С. 101.

¹²⁷ Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган.– Тошкент: Фан, 1968. Т. I. – Б. 112.

¹²⁸ Бартольд В.В. Туркестанский край в XIII веке (По рассказу китайского путешественника) / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 237-243; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. ... – С. 101.

¹²⁹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. ... – С. 101.

Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик бандаргоҳ вазифасини ҳам бажарар эди¹³⁰.

Ривожланган ўрта асрларда Термиз уч қисмдан - куҳандиз, шахристон ва рабаддан иборат йирик шаҳар бўлиб, VII асрдаёқ мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Ёзма манбалар маълумотига кўра, X асрда шаҳарнинг ҳар бир қисми, яъни қалъаси, мадинаси ва рабади алоҳида девор билан ўраб олинган бўлган. Ҳукмдор саройи шаҳар қалъаси ичида, шаҳар жоме масжиди, бозори ва турмаси бевосита шаҳарда жойлашган эди¹³¹.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, Термиз шаҳрининг мудофаа деворлари Кушонлар салтанати давридаёқ барпо этилган бўлган. Ривожланган ўрта асрларда шаҳарнинг қисмларга бўлиниши ҳам олдинги даврларда шаклланган анъаналарни сақлаб қолган ҳолда амалга оширилган. Минтақамизда шаҳарларнинг уч қисмдан иборат бўлиши кушонлар давридаёқ шаклланган ва шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос белгиси ва анъанаси сифатида кўзга ташланар эди¹³².

Эски Термиз шаҳрининг ташқи мудофаа девори билан ўралган қисми 1000 га яқин майдонни эгаллайди. Унда бўш қолдирилган катта майдонлар ҳам бўлиб, бу Термиз шаҳри тузилишида бутун минтақа шаҳарларига хос бўлган қадим анъаналар сақланганлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрлар даврида қурилган Термизшоҳлар саройи Қалъанинг жануби шарқий қисмидаги атрофи девор билан ўралган худудда жойлашган бўлиб, унинг рўпарасида X асрда Термиз шаҳри ҳокими саройи барпо этилган эди. Шаҳарда X асрда 3 та дарвоза бўлиб, Қалъанинг жануби ғарбий қисмида жойлашган асосий дарвозасидан

¹³⁰ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. ... – С. 102.

¹³¹ Бартольд В.В. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII.

¹³² Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 104.

Амударёга чиқиш мумкин бўлган¹³³. Тадқиқотчилар фикрича, шаҳар кальасининг асосий дарвозаси ривожланган ўрта асрларда қалъанинг шарқий деворида, яъни шахристонга қараб жойлашган бўлиб, эски дарвозаси X асрда қайта қурилиб, фақат пиёдалар ўтиши учунгина қолдирилган¹³⁴.

Термиз шаҳри Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган, Амир Темур томонидан қайта тикланган. Машҳур испан элчиси де Клавихонинг маълумотига қараганда, Термиз XIV аср бошларида мудофаа девори билан ўраб олинмаган бўлиб, унинг яқинидаги кечув фаолияти, Амударё бўйлаб кемалар катнови ва Термизнинг банлдаргоҳ сифатидаги аҳамияти бу даврда ҳам сақланиб қолган¹³⁵.

Термиз шаҳри харобаси, яъни эски Термиз ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км.ча ғарбда жойлашган бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган бир неча қисмдан иборат. Маҳаллий аҳоли томонидан қалъа деб аталувчи эски шаҳар кўрғони Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, 10 гектарга яқин майдонни эгаллайди. Амударё суви эски шаҳар деворини бевосита ювиб туради.

Ўрта асрларда Термиз шаҳрига сув Сурхондарёдан қазилган катта канал орқали шаҳарнинг шарқий қисмидан олиб келинган. Сув шаҳарга ариқлар ва коризлар, яъни ер ости қовурлари орқали тарқатилган. Шаҳар ичида X-XII асрларда аҳолини ичимлик суви билан таъминловчи кўплаб кудуқлар ҳам бўлганлиги манбаларда акс этган¹³⁶.

Термиз шаҳри ўрта асрларда Турмиз вилоятининг марказий шаҳри бўлиб, вилоятининг тарихий географик чегаралари сиёсий вазиятга боғлиқ равишда ўзгариб турганлиги боис унинг аниқ географик

¹³³ Махмуд Ибн Вали. Бахр ал-асрор фи манокиб ал ахйар. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод, примеч. и указатели Б. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 34.

¹³⁴ Массон М.Е. Городище старого Термеза и их изучение. Труды Узбекстанского филиала АН СССР. Серия 1. Термезская археологическая комплексная экспедиция 1936 г. – Ташкент, 1940. – С. 92.

¹³⁵ Руи Гансалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар) / Рус тилидан О. Тоғаев таржимаси. – Тошкент: O'ZBEKISTON NMIU, 2010. - Б. 142-144.

¹³⁶ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 112.

чегаралари хусусида фикр билдириш қийин. Термиз вилояти таркибига Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бир қанча рустоклар ва кўплаб йирик қишлоқлар қараган. Айрим тадқиқотчилар Термиз вилоятига жанубда Амударёдан шимолда Бойсун тоғларига бўлган ҳудудни, яъни Сурхондарё водийси ва Кухитонг орасидаги жойларни киритиш масадга мувофиқдир¹³⁷.

Термиз вилояти таркибига Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бир қанча шаҳарлар ва кўплаб йирик қишлоқлар кирган бўлиб, улар ичида Самон қишлоғи анча машҳур ҳисобланади. Бу қишлоқ Самонхудодларнинг мулки бўлиб, бу ердан Самонийлар сулоласининг асосчилари чиққан деган фикр ҳам бор¹³⁸.

Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган кўпгина шаҳарлар дарё кечувини назорат қилувчи қалъалар сифатида пайдо бўлган. Уларнинг географик ўрнини аниқлаштиришда, умуман Шимолий Тоҳаристоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий географиясини аниқлаштиришда воҳанинг ички йўллар тизимида, Амударёнинг ўнг ирмоқлари бўлган Шеробод, Сурхондарё, Вахш, Кофирниҳон, Қизилсув каби дарёлар ва уларнинг ирмоқлари бўйлаб жойлашган шаҳарлар, кўрғонлар ва қишлоқларнинг географик ўрнини аниқлаштириш катта аҳамиятга эга. Бу даврдаги алоқа йўллари Помир тоғ тизмасининг таркибий қисмлари бўлган тоғлардан бошланиб, жануби-ғарбий йўналишда, Амударёга қараб оқувчи сув йўлларига параллел равишда фаолият кўрсатган. Бу йўллар ичида Термиздан Шерободдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Зартепа ва Жондавлатттепа ёдгорликлари орқали Нондахона дарасига, бу ердан Шўробсой водийси ва Темир Дарвоза орқали Суғдиёна шаҳарларига кетувчи йўналиш минтақадаги транзит йўллар тизимида катта аҳамиятга эга эди. Бу йўналиш Суғдни ва

¹³⁷ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 114.

¹³⁸ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 114.

минтақанининг марказий ҳудудларини Бақтрия пойтахти ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғлашда асосий ўрин тутган.

Бақтрия пойтахтини Суғдиёна билан боғловчи йўл Шимолий Бақтриянинг тоғолди ва тоғли ҳудудлари орқали ўтиб, асосан икки йўналишда бўлган. Биринчиси Термиз, Темир Дарвоза ва Оқработ довони орқали жанубий Суғдга олиб чиққан. Бу йўналиш Наутака¹³⁹, Тахтақарача довони орқали Мароқандага, ёки Кичик Ўрадарё ва Ғузордарё бўйлаб Қашқадарёнинг қуйи оқимига олиб чиққан. Иккинчи йўналиш Бақтра шаҳридан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар – Келиф ва Керкича орқали ўтган. Келиф кечувидан Накшипа шаҳрига (Еркўрғон ёдгорлиги), бу ердан Кўкдала ва Жом даштлари орқали Мароқандага кетувчи йўл бўлган¹⁴⁰.

Шимолий Тоҳаристондаги илк ўрта асрлар даврга мансуб маконлар воҳанинг ички алоқа йўллари бўйида, Сурхондарё (Далварзинтепа, Холчаён, Термиз ва бошқалар), Кофирниҳон ва Вахш дарёлари бўйлаб жойлашган. Улар ичида минтақавий аҳамиятга эга йўллар билан боғланган Термиз шаҳри катта ўрин тутди. Амударёдаги кечув бўйида жойлашган бу шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғловчи муҳим транзит йўл бўйида жойлашганлиги ҳамда Амударё сув йўлидаги муҳим

¹³⁹ Узунқир ёдгорлиги ўрнидаги бу қадимги шаҳар мил. авв. VII-IV асрларда Суғдиёнанинг ички ва ташқи алоқаларида катта ўрин тутган. Узунқир ёдгорлиги ҳақида қаранг: Лушпенко О.Н. Крепость Узункыр – на трассе торговых путей // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 октябрь. 1990 г. – Ташкент: Фан, 1990. – С.105-106. Шаҳар Александр Македонский истилоси туфайли вайрон этилгач, шаҳарсозлик маданияти ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги янги шаҳарга кучган. Шу сабабли ҳам мил. авв. IV асрдан бошлаб бу йўналишдаги алоқа йўли бирмунча жанубга силжиб, ҳозирги йўналишга анча яқин бўлиб қолади. Узунқир ёдгорлиги ҳақида қаранг: Шаҳрисабз. Минг йилликлар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент, 1989. – С. 27-33.

¹⁴⁰ Накшипа ва Самарканд оралиғидаги дашт ҳудудининг кўчманчи чорвадорлар томонидан ўзлаштирилиши мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида бошланган. Суғдиёнанинг бу икки йирик шаҳрини боғловчи йўл улар назоратида бўлган қудуқлар орқали ўтган. Кейинчалик бу муҳим савдо йўлини назорат қилувчи истехкомлар ҳам барпо қилина бошлайди. Улар ичида Самарқанд – Қарши темир йўли яқинида, Олатун станциясидан 3 км. ча шимолий-шарқда жойлашган Ҳазорбуқа ёдгорлигини айтиб ўтиш мумкин.

бандаргоҳларга эгаллиги билан ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради¹⁴¹.

Бу ёдгорликлар ичида Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашган кичик қалъалар (Келиф, Курегин қалъа, Керкича, Усти ва бошқалар) муҳим ўрин тутган¹⁴². Бу кичик қалъалар Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашиб, Амударё сув йўлини ва кечувларни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган. Улар ичида Амударёнинг Термиздаги кечувдан кейинги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Шўроб кечувини назорат қилиб турган Кампиртепа (ўнг қирғоқ), ундан қуйроқда жойлашган Келиф (чап қирғоқ), Керки кечуви бўйидаги Керки (чап қирғоқ) ва Керкича (ўнг қирғоқ), Фароб кечуви яқинидаги Эски Чоржўй (чап қирғоқ) ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Хусусан, Керкидаги қалъада кушон-сосонийлар даврига оид маданий қатламлар топилиши¹⁴³, бу қалъа милодий эра бошларидан бошлаб Амударёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувни, Мароқанда ва Бухородан Ксениппа (Еркўрғон) орқали Бақтрияга ўтувчи йўлни ҳамда Амударё сув йўлини назорат қилиб турганидан далолат беради.

Термиз яқинидаги Шўроб кечувининг аҳамияти бу даврларда анча юқори эди. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар туфайли Амударёнинг ўнг қирғоғида қадимий Шўроб кечуви бўйида жойлашган Кампиртепа ёдгорлиги – антик даврда кечувни назорат этиб туриш учун хизмат қилган йирик қалъанинг харобалари ўрганиб чиқилди¹⁴⁴. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Кампиртепа харобалари

¹⁴¹ Бу шаҳарларнинг минтақадаги иктисодий-маданий алоқаларда тутган ўрни ҳақида қаранг: Пидаяев Ш.Р. Кўхна Термиз ва “Буюк ипак йўли” // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52-53; Buryakov Y.F., Vaipakov K.M., Tashbaeva Kh., Yakubov Y. The citils and routes of The Great silk road (On Central Asia documents). – Tashkent: Sharq, 1999. – P. 57-59.

¹⁴² Пилипко В.Н. Побережье Средней Амударьи // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии ... – С. 244-245.

¹⁴³ Массон М.Е. Прошлое города Керки // Памятники Туркменистана. – Ашхабад, 1973. – №2. – С. 7.

¹⁴⁴ Кампиртепа ёдгорлиги Амударёнинг ўнг қирғоғида, Термиздан 30 км. ва Шўроб қишлоғидан 1,5 км. ғарбда, Сурхондарё вилояти Музработ тумани ҳудудида жойлашган. 1972 йилдан археологик тадқиқотлар олиб борилган бошланган. Бу ёдгорлик ҳақида батафсил қаранг: Материалы Тохаристанской экспедиции // Археологические исследования Кампиртепа. Вып. 1-3. – Ташкент, 2000-2002.

ўрнидаги қалъадан мил авв. I – мил. II асрларда фаол фойдаланилган. Бу қалъа нафақат кечувни, шу билан бирга Термиз – Урганч сув йўлини ҳам назорат қилиб турганлиги, бу ерда божхонадан ташқари кемалар тўхташига мўлжалланган бухта ҳам бўлганлиги аниқланган¹⁴⁵. Бу маълумотлар антик даврдан бошлаб Шўроб кечуви орқали ўтувчи алоқа йўллари Бақтрияни Суғдиёна ва минтақамизнинг шимолий ҳудудлари билан боғлашда асосий ўрин тутганлигини кўрсатади.

Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган Термиз¹⁴⁶ ривожланган ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги йирик бандаргоҳга эга бўлиб, Мовароуннахрнинг жанубидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳарлардан ҳисобланарди¹⁴⁷. Термиздан Шарқий Хуросоннинг энг йирик шаҳри, араб манбаларида “Умм ул-Билод” (“шаҳарлар онаси”) деб номланган Балх шаҳрига ўтувчи қарвон йўли бошланиб, манбаларда улар оралиғида Сияхгирд номи йирик қишлоқ бўлгани қайд этилади¹⁴⁸.

Термиз шаҳрининг тарихимизда тутган яна бир муҳим ўрни унинг Амударё сув йўлида, муҳим кечув бўйида жойлашганлигида эди. Маълумки, илк ўрта асрларда минтақамизда кемачилик янада ривожланди. Хусусан, Амударё, Сирдарё ва бошқа йирик дарёларда кемачилик йўлга қўйилди. Манбаларда халифаликдаги 12 та дарёда кемачилик йўлга қўйилгани, улар ичида Амударё ва Сирдарё ҳам борлиги қайд этилади¹⁴⁹.

Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорлигидан топилган булладаги¹⁵⁰ кема тасвири қадимги даврда Амударёда фойдаланилган кемалар шакли

¹⁴⁵ Дудаков С. Раскопки пристани Кампыртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. – Ташкент, 2002. – С. 51-52.

¹⁴⁶ Бу шаҳар ҳақида янги илмий маълумотлар ҳақида қаранг: Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.

¹⁴⁷ Батафсил қаранг: Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. *Viae regnorum ...* P.338-341; Ibn Hawqal. *La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ...* – P. 457-458; Hudud al-‘Alam (The regions of the world) ... – P. 114.

¹⁴⁸ Балх шаҳри харобаси Афғонистон шимолида, ҳозирги мазори-Шариф шаҳридан 22 верст узокликда жойлашган. Бу ҳақда қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпохи монгольского нашествия ... – С. 126-128.

¹⁴⁹ Мец А. Мусульманский Ренессанс ... – С. 479.

¹⁵⁰ Булла - бир томонида (уч қисмида) муҳр ёки тамға босилган, ёғоч ёки сополдан ясалган буюм.

ва тузилиши ҳақида муҳим маълумот беради. Мутахассислар фикрича, ясси тагли, бортига тери қопланган, юқори кўтарилган олд қисмида аждаҳосимон маҳлук, қуйруқ қисмида от ёлига ўхшаш шакл туширилган доирасимон кўринишдаги бу кема Оссурия думалоқ шаклли кемаларига ва Бобил юк кемаларига ўхшаб кетади. Кеманинг қуйруқ қисмида руль, бортининг пастки қисмида 18 та эшкакчи (демак экипаж таркибида 36 та эшкакчи ва битта бошқарувчи бўлган) тасвирланган. Кемада 5 та найзали жангчи тасвирлангани ундан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилганини кўрсатади¹⁵¹.

Термиз шаҳрининг қадимги давр ва ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги муҳим порт шаҳарларидан бўлгани кўплаб ёзма манбалар маълумотларидан маълум¹⁵². Машҳур испан элчиси Клавихо ҳам Термиз яқинидаги кечувда маҳсус ёрликқа эга бўлган кемачилар кишиларни бир қирғоқдан иккинчисига ўтишини таъминлаб туришини қайд этади¹⁵³.

Термиз яқинда илк ўрта асрларда йиғма кўприклар ҳам қурилгани маълум. Ўрта асрларда ҳам бундай йиғма кўприклардан кенг фойдаланилган. Хусусан, муҳим стратегик аҳамиятга эга йўллар кесишадиган Амударё кечуви бўйида жойлашган Термиз шаҳри яқинида кемалардан кўприклар қурилиб, маълум вақт давомида фойдаланиб турилган. Манбаларнинг далолат беришича, бундай йиғма кўприклар асосан ҳарбий мақсадларда барпо этилган.

Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёнинг турклар таъсирида бўлган ҳудудларида кўплаб истехкомлар, шаҳарлар барпо этилгани маълум. Минтақадаги муҳим стратегик йўллар бўйида барпо этилган бу шаҳарлар ўлкалар устидан ҳарбий-сиёсий назоратни амалга оширишдан ташқари минтақадаги иқтисодий-савдо алоқаларини амалга оширишда

¹⁵¹ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры... – С. 247-248.

¹⁵² Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры ... – С.249.

¹⁵³ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406) гг. / Пер.со стариспанского, предисловия и комментарий И.С. Мироковой. – М., 1990. – С. 100-101.

(бож тўловларини ундириш, солиқлар йиғиш ва бошқалар) ҳам катта ўрин тутган.

Ривожланган ўрта асрларга келиб Термиз шаҳрининг ислом мамлакатларидаги мавқеи янада ошди.

“Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” асарида Термиз шаҳри ҳақида маълумот берилиб, Термиз Жайхун бўйидаги обод шаҳар эканлиги, у Хатлон ва Чағониёнинг савдо маркази ҳисобланиши, бу ерда яхши совун, кўк бўйра ва елпиғичлар ишланиши ёзиб қолдирилган¹⁵⁴.

Шу тариқа, Термиз шаҳри кўриб чиқиладиган даврда ҳам Мовароуннаҳрнинг йирик ва ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳар сифатида бўлган. Термизнинг Амударёнинг қирғиғида, дарё кечуви бўйида жойлашгани, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутгани, хусусан Балх ва Ҳирот билан бўлган алоқалардаги аҳамияти унинг нуфузини таъминлаб турарди.

3.2. Чағониён ва унинг тарихий географик чегаралари.

Илк ўрта асрлардан бошлаб Тоҳаристон¹⁵⁵ номи билан атала бошлаган Сурхон воҳаси ўрта асрларда Чағониён ва Термиз каби икки йирик тарихий маданий вилоятга бўлинганлигини юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Чағониён атамасининг келиб чиқиши бўйича фанда умум қабул қилинган хулоса йўқ. “Чағониён” атамаси “Чи го йен на” шаклида илк бор хитойлик сайёҳ, буддавийликнинг муқаддас ерларини зиёрат қилиш учун сафарга чиққан Сюань Цзань кундаликларида тилга

¹⁵⁴ Хасанов Ҳ. Б. 43.

¹⁵⁵ Тоҳаристон атамаси, Кушонлар авлодидан бўлган Тоҳар қавми билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Тоҳаристон кўпинча Бадахшон ва Балх оралиғида жойлашган ҳудудларга нисбатан қўлланилади. Айрим манбаларда эса Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудидаги вилоятлар (Чағониён ёки Соғониён, Хутталон ва бошқалар) ҳам Тоҳаристонга кириши қайд этилади.

олинади¹⁵⁶. Араблар босқинидан кейин Чағониён мулки “Соғониён” шаклида учрайдики, бу араб тилининг хусусиятлари билан боғлиқ равишда вужудга келган бўлиши керак.

Чағониён ёки Соғониён номи билан аталган мулк Термиздан шимоли шарқда жойлашган эди. Илк ўрта асрларда Чоғонруд (ҳозирги Сурхондарё) ҳавзасида жойлашган бу ўлка тоғ ва тоғолди ҳамда ҳосилдор дарё водийси ҳудудларини ўз ичига олган бўлиб, жануби-шарқда Хисор водийси орқали Кофирниҳон водийси, шимоли-шарқда Қашқадарё воҳаси, жануби-ғарбда Термиз вилояти билан чегараланган. Ҳозирги пайтда бу мулк ҳудуди Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Қумкўрғон, Сариосиё, Шўрчи, Узун ва Бойсун туманларига тўғри келади.

Археологик тадқиқотлар натижалари Соғониён ҳудудининг одамлар томонидан ўзлаштирилиши узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўрсатмоқда. Антик давр манбаларида Македониялик Александр кўшинлари Суғдиёнадан Сурхондарёнинг юқори оқимида жойлашган Парейтака ёки Парейтакина ўлкаси орқали Бақтрияга ўтганлиги ҳақида маълумот мавжуд¹⁵⁷.

Соғониён ҳудуди кейинчалик Грек-Бақтрия ва Кушон салтанати таркибида бўлган. Бу ҳудудда кушонларнинг биринчи йирик шаҳри ва дастлабки пайтахти барпо этилган. Бу шаҳар хитой манбаларида Ходзо номи билан тилга олинади¹⁵⁸. Бу шаҳар Деновдан 30 км.ча жанубда, Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган Далварзинтепа номи билан машҳур ёдгорлик ўрнида бўлган¹⁵⁹.

¹⁵⁶ Бартольд В.В. Чаганиан. Работы по исторической географии . / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 559; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996.– С. 133. Бартольд В.В. Историческая география

¹⁵⁷ Ртвеладзе Э.В. Ксениппа – Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. – М., 1981. – С. 95-101.

2. ¹⁵⁸ Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч. II. – С. 183.

¹⁵⁹ Бу ёдгорлик ҳақида қаранг: Далварзинтепа – кушанский город на юге Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1978.

Илк ўрта асрларда Чағониён ҳукмдорлари Чағон худот унвони билан аталган бўлса, араб манбаларига кўра, X асрдан бошлаб улар амир унвонига эга бўлишган. Улар исломни қабул қилган Чағонхудотлар авлодидан бўлганми ёки арабларданми бу масала фанда ҳозирча ечилмаган. Илк ислом даврида Чағониён амирлари ичида энг машҳури Аҳмад ибн Абубакр Муҳаммад ҳисобланади¹⁶⁰.

Милодий 630 йилда Чағониён худуди орқали ўтган Хитойлик сайёҳ, будда роҳиби Сюань Цзань кундалигида бу худуднинг тарихий географияси тегишли муҳим маълумотлар келтирилган. Хусусан, Чағониённинг шимолий дарвозаси бўлган Темир дарвоза ва Дарбанд орқали ўтувчи қадимий карвон йўли, Чағониённинг йирик шаҳарлари ва қишлоқлари, аҳолиси, дини, хўжалиги, алоқалари ва бошқа маълумотлар унинг асарида акс этган. Чағониённинг марказий шаҳри ўлка номи билан бир хил бўлиб, у Тоҳаристоннинг йирик шаҳарлари, савдо марказлари каторида туришини у алоҳида қайд этиб ўтади¹⁶¹.

Тоҳаристоннинг бу даврдаги муҳим вилоятларидан бири бўлган Соғониён (Чағониён)нинг XI асрдаги маъмурий маркази Чағониён ҳажмига кўра, Термиздан каттароқ бўлган¹⁶². Термиз ва Чағониён орасидаги масофа 24 фарсах бўлиб, уни карвонлар 4 кунда босиб ўтишган. Улар оралиғида Термиздан 6 фарсах ёки 1 кунлик йўлда жойлашган Сарманган (Чарманган) шаҳри жойлашган эди¹⁶³. Буғ ва

¹⁶⁰ Бартольд В.В. Чаганиан. Работы по исторической географии. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 559. (558-559).

¹⁶¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 47-48.

¹⁶² Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ... – P. 458; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал Ансаб” Абу Са’ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани ... – С. 57. Унинг харобалари (Будрач ёдгорлиги) Деновдан 6 км. жанубий-шарқда, Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойида топилган.

¹⁶² Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ... – P. 459; Hudūd al-‘Ālam (The regions of the world) ... – P. 114.

¹⁶³ Унинг харобаси Жаркўрғондан 5 км. ча жанубда жойлашган ёдгорлик бўлиши мумкин. Бу ёдгорлик ҳақидаги маълумотлар рус харбий топографлари асарларида ҳам учрайди. Батафсил қаранг: Поруч. Караульшиков. Маршрут от г. Деноу до Патта-Гиссера // СМА. – СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 394-398.

Дарзончи (ёки Дарзанжи) деб аталган йирик қишлоқлар ҳам бу йўналишдаги асосий бекатлар ҳисобланган¹⁶⁴.

Чағониён ҳудуди X-XIII аср бошларида ҳосилдорлиги ва турли минералларга бойлиги, аҳоли зичлиги ва маданий тараққиёти билан ажралиб турган. Араб географларининг маълумотига кўра, X асрда Чағониёнда аҳоли зич жойлашган мулк бўлиб, қишлоқлар сони 16 мингга етган эди. Аҳоли сонининг кўплиги катта ҳудудларнинг деҳқончилик ва боғдорчилик учун ўзлаштирилишига олиб келган. Шу сабабли экинзорларга Чағонруд (Сурхондарё)дан кўплаб каналлар орқали сув чиқарилган. Соғониёндан ортган Сурхондарёнинг суви Термиз вилояти аҳолисининг ва деҳқончилик эҳтиёжлари учун ишлатилган. Шу боис унинг суви кўпинча Амударёга етиб бормаган¹⁶⁵. Бу маълумотлар Сурхон воҳасида ривожланган ўрта асрларда кенг тармоқли суғориш тизими мавжудлигини кўрсатади. Уларни ўрганиш, ўз навбатида, Чағониённинг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги ўзлаштирилган ҳудудларини ва тарихий географиясига оид бошқа маълумотларни олишга имкон беради.

Чағониён ҳудуди археологик жиҳатдан энг яхши ўрганилган ҳудуд ҳисобланади. Чағониённинг тарихий географияси дастлаб В.В. Бартольд томонидан ўрганиб чиқилган. Маълумотларга қараганда Чағониён ҳудудида аҳоли манзилгоҳлари тарихнинг энг қадимги даврида пайдо бўлган. Турли тарихий даврларда бу ҳудуд Аҳамонийлар, Александр Македонский салтанати, Юнон Бактрия давлати ва Кушон салтанати таркибига кирган. Илк ўрта асрларда дастлаб Эфталитлар, кейин Турк ҳоқонлиги таркибида бўлган.

¹⁶⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпохи монгольского нашествия. / Соч. в 9 томах. – М.: Восточной литературы, 1963. Т. I. – С. 123.

¹⁶⁵ Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 158. (95-231).

Илк ўрта асрларда, аниқроғи 630 йилда Чағониёнда бўлган Хитой сайёҳи, будда монахи Сюань Цзань унинг ҳудуди шарқдан ғарбга қараб 400 ли (Ли - Қадимги давр ва ўрта асрларда Хитойда асосий масофа ўлчови. Ўртача 500 метрга тенг бўлган) ва шимолдан жанубга қараб 500 ли масофага чўзилганлигини қайд этади. Чағониёнинг марказий шаҳри 10 ли масофага чўзилган бўлиб, унда 5 та будда ибодатхонаси бўлганлиги ҳам хитойлик сайёҳнинг эътиборидан четда қолмаган¹⁶⁶.

Чағониёнинг маркази бўлган шаҳар харобаси жойни аниқлашда турли фикрлар мавжуд. Сурхондарё воҳасида узок йиллар тадқиқотлар олиб борган Г.А.Пугаченкова фикрича, илк ўрта асрлардаги Чағониёнинг марказий шаҳри Деновдан 30 км.ча жанубда жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган. Кейинчалик, аниқроғи X асрлардан бошлаб то мўғуллар босқинигача Денов шаҳридан 6 км масофада, Қизилсувнинг Сурхондарёга қўйилишида жойлашган Будрач ёдгорлиги ўрнида бўлган¹⁶⁷. Бошқа тадқиқотчилар фикрича, Будрач ёдгорлиги ўрнидаги Кушонлар давридаёқ йирик шаҳар шаклланган эди. Мил.авв. 2 асрда барпо этилган бу шаҳарнинг умумий ҳажми 20 га. ни ташкил этади. Шаҳар арки харобаси ҳозирда Оқмозортепа номи билан, шаҳристони эса Дунётепа номлари билан аталади¹⁶⁸.

Тоҳаристоннинг¹⁶⁹ бу даврдаги муҳим вилоятларидан бири бўлган Чағониё шаҳри ҳудуди илк ўрта асрларда 50 га. ортиқроқ майдонни

¹⁶⁶Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996.– С. 133.

¹⁶⁷ Пугаченкова Г.А. К исторической топографии Чаганиана // Научные труды ТашГУ. н.с. вып. 200. Исторические науки. кн. 41. Археология Средней Азии, VI. Ташкент, 1963. – С. 54, 61. (49-64).

¹⁶⁸ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996.– С. 134.

¹⁶⁹ Тоҳаристон атамаси, кўпинча Бадахшон ва Балх оралиғида жойлашган ҳудудларга нисбатан қулланилади. Айрим манбаларда эса Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудидаги вилоятлар (Чағониё ёки Соғониё, Хутталон ва бошқалар) ҳам Тоҳаристонга кириши қайд этилади.

эгаллаган эди. XI асрда ҳам Чағониён ҳажмига кўра, Термиздан каттарок бўлгани манбаларда акс этган¹⁷⁰.

Манбаларда маълумотлар таҳлили Соғониёнга қарашли бўлган барча аҳоли масканлари кенг тармоқли карвон йўллари бўйида жойлашганлигини кўрсатмоқда. Энг йирик аҳоли масканлари Чағониёндан Термизга кетувчи йўлда жойлашган эди. Араб географлари маълумотига кўра, Термиз ва Чағониён шаҳарлари оралиғидаги масофа 24 фарсах бўлиб, уни карвонлар 4 кунда босиб ўтишган. Улар оралиғида Термиздан 6 фарсах ёки 1 кунлик йўлда жойлашган Сарманган (Чарманган) шаҳри жойлашган эди. Илк ўрта асрларда барпо этилган бу шаҳар X-XII асрларда жоме масжидига эга бўлиб, Термизнинг алоҳида тумани маркази ҳисобланган¹⁷¹. Унинг харобаси Жарқўрғондан 4-5 км. жанубда жойлашган Минор қишлоғи яқинидаги ёдгорлик бўлиши мумкин¹⁷². Бу ерда XII аср бошларида, аниқроғи 1108-1109 йилларда Салжукий ҳукмдор Султон Санжар томонидан Минора барпо этилган эди¹⁷³.

Бу йўналишдаги кейинги аҳоли масканлари ичида Термиз ва Чағониённинг ўртасида жойлашган Дарзончи (ёки Дарзанги, Дарзанжи) деб аталган йирик қишлоқ ҳам муҳим ўрин тутган. Муаллифи номаълум “Ҳудуд ал алам” асарида у ҳақда маълумот мавжуд. Унда бу аҳоли маскани ҳандақ билан ўралган кичик шаҳар эканлиги, аҳолиси пичоқчилик, жун гиламлар тўқиш билан танилганлиги қайд этилади¹⁷⁴. Бу шаҳар харобаси (50 га.) Қумқўрғондан ғарбда, Бандихонсой

¹⁷⁰ Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ... – P. 458; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал Ансаб” Абу Са’ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани ... – С.57. Унинг харобалари (Будрач ёдгорлиги) Деновдан 6 км. жанубий-шарқда, Қизилсувнинг Сурхондарёга куйилиш жойида топилган.

¹⁷⁰ Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ... – P. 459; Hudūd al-‘Ālam (The regions of the world) ... – P. 114.

¹⁷¹ Бу ёдгорлик ҳақида рус типографлари ҳам маълумот қолдиришган. Қаранг: Поруч. Караульшиков. Маршрут от г. Деноу до Патта-Гиссера // СМА.– СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 394-398.

¹⁷³ Ҳозирги кунда бу минора баландлиги 21,6 метр баландликни ташкил қилади. Қаранг: Жарқўрғон минораси // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 5-жилд. – Б. 570.

¹⁷⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпохи монгольского нашествия... – С. 123.

Сурхондарёга қуйилиш жойида жойлашган Жалойир қишлоғи яқинидаги ёдгорлик ҳисобланади¹⁷⁵.

Чағониёндан Дарзангига бўлган масофа 2 кунлик йўл бўлган. Улар орасида Баранги қишлоғи жойлашган бўлиб, бу йирик қишлоқ Чағониёндан 5 фарсах, Дарзангидан 7 фарсах узоқликда бўлган. Баранги ҳозирги пайтда Сурхондарёнинг чап қирғоғида, Шўрчидан 8 км. ча узоқликда жойлашган Гурмалитепа ёдгорлиги ўрнида бўлган деган қарашлар мавжуд. Бу аҳоли маскани ҳам илк ўрта асрлар пайдо бўлиб, мўғуллар босқини даврида вайрон қилинган¹⁷⁶. Ўрта асрлардаги Баранги аҳоли масканини жойини аниқлаштиришда бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, айрим тадқиқотчилар Баранги ҳозирги Шўрчи ўрнида бўлган деган фикрда. Бунинг исботи сифатида Шўрчи шаҳри яқинида XI-XII асрларга тегишли йирик жоме масжид қолдиқлари топиб ўрганилгани, яъни кўрсатилган даврда Шўрчи ўрнида йирик шаҳар бўлганлигини, Шўрчининг Будрач ёдгорлигидан 28 км. жануби-ғарбда (яъни 5 фарсах узоқликда) жойлашгани ва бу араб манбаларидаги маълумотларга мос келишини ва бошқа тегишли маълумотлар келтирилади¹⁷⁷.

Чағониённинг пайтахти бўлган Будрач шаҳридан бошланган яна бир қарвон йўли Ҳисор тоғларининг жанубий ён бағри бўйлабшимоли-шарққа, Рашт шаҳрига қараб кетган. Бу ердан Сурхоб дарёси оқими бўйлаб Помир тоғлари доволари орқали Хитойга кетувчи тоғ йўли бошланган. Бу қарвон йўли йўналишида жойлашган аҳоли масканларини ўрганиш Чағониённинг тарихий географиясига тегишли муҳим маълумотлар беради. Шу боис бу йўл бўйида жойлашган қишлоқ ва шаҳарларнинг жойлашувини кўриб ўтамиз.

¹⁷⁵ Бу ёдгорлик ўрнида илк ўрта асрларда кичик шаҳарча пайдо бўлган, мўғуллар босқини даврида вайрон қилинган. Қаранг: Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 136-137.

¹⁷⁶ Ртвеладзе Э.В., Исоков М. Два средневековых чаганианских селения // ИМКУ вып. 15. – Тошкент: Наука, 1979. – С. 84-94.

¹⁷⁷ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 138.

Чағониёндан бу йўналишда жойлашган биринчи қишлоқ, араб географлари асарларида турлича номда (Наванд/Навандак, Бунза, Наужан, Бураб, Басаб) берилган. Чағониён билан унинг орасидаги масофа ҳам турлича (2, 3, 6 фарсах)¹⁷⁸. Бу қишлоқ “Бобурнома”да “Навандак” (Янги хандак) тарзида берилган¹⁷⁹. Ўрта асрлардаги Навандак Узун шахридан 3 км.ча шимоли-шарқда жойлашган Кофирқалъа ёдгорлиги ўрнида бўлган деган фикрлар мавжуд¹⁸⁰. Кофирқалъада ҳаёт илк ўрта асрлардан то мўғуллар босқинигача давом этган. Кофирқалъа ёдгорлигининг Чағониённинг марказий шаҳри Будрачдан 28-30 км узоқликда эканлиги ҳам араб географлари (Ибн Хурдодбех, Истахрий) маълумотларига мос келади. Бу йўналишдаги Навандакдан кейинги қишлоқлар Хамаваран ва Рикадашт (Регар) бўлган. Бу аҳоли масканлари ҳозирги Тожикистон ҳудудида жойлашган.

Шу тариқа, илк ўрта асрларда шаклланиб, ривожланган ўрта асрларда кенг фойдаланилган бу йўналишни кўриб чиқиб, X асрда Чағониённинг шарқида жойлашган тоғли ҳудудлар Шумон (Хисор) ва Харун ҳам айрим пайтларда Чағониён амирларига бўйсунганлигини қайд этиш мумкин. Соғониёндан Шумонга кетувчи масофа 16 фарсахга тенг бўлиб, асосий бекатлари Навандак, Регар ва Хамаваран ҳисобланган.

Чағониённинг шимолий чегараларидан Хисор тоғи орқали Суғдиёнага ўтувчи тоғ йўлларида фойдаланиш ҳам ўрта асрларда изчил давом этган. Бу йўл Сурхондарёдан Тошқўрғон довони¹⁸¹ орқали

¹⁷⁸ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 138.

¹⁷⁹ Захриддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. Лекин, Балх ва Самарқандда Наванд номли дарвоза, Балхда шу номда маҳалла мавжуд бўлгани, Навандак атамаси ўрта асрларда Наванд, яъни “Хабарчи” маъносида ҳам ишлатилганидан келиб чиқсак, бу масалага бирмунча кенгроқ ёндошиш керак бўлади. Наванд (Навандак) атамаси турли шаҳарлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда муҳим ўрин тутган алоқачилар, хабаргирлар фаолияти билан, карвон йўлларида махсус хизмат кўрсатиш тури билан боғлиқ ном бўлиши ҳам мумкин.

¹⁸⁰ Ртвеладзе Э.В. Обнаружение средневекового селение Навандак в области Саганиан. ИМКУ. Вып. 14. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 114-119.

¹⁸¹ Бу доvon номи Хисор тоғларида Абдуллахон II даврида барпо этилган Тошқўрғон работи номидан олинган. Шарқий Бухородан Хисор тоғлари орқали келувчи муҳим йўналишни назорат қилиб турган бу

Қизилдарё ҳавзасига олиб чиққан¹⁸². Чағониён шағридан Кешгача бўлган масофа 6 кунлик йўлни ташкил қилган. Бу йўналишда 5 яқин қишлоқлар бўлиб, уларда йўловчилар ва карвонлар тўхтаб ўтиши мумкин бўлган. Уларнинг 2 таси Сурхон воҳаси ҳудудида жойлашган аҳоли масканлари эди. Улар ичида Соғониёндан 1 кунлик йўлда Юрчи, Сангардак дарёси ўрта оқимида жойлашган Сангардак шаҳри (Хандиза) муҳим ўрин тутган.

Соғониён ва Кеш вилоятларини боғловчи йўлнинг яна бир йўналиши Бойсун ва Дарбанд орқали Темир дарвозага олиб чиққан. Бу йўналишда ҳам кўплаб қишлоқлар жойлашган ва қўрғонлар мавжуд бўлган. Уларнинг географик ўрнини аниқлаштириб, ўрта асрларда Соғониённинг шимолий чегаралари Темир дарвозагача бўлган ҳудудга ёйилганини қайд этиш мумкин.

Чағониён вилояти ҳақида маълумотлар араб ва форс манбаларида кўплаб учрайди. Хусусан, “Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб” асарида Чағониён ҳудудининг қишлоқ хўжалиги учун қўлай ва кенг жой эканлиги, аммо аҳолиси камбағаллиги қайд этилиб, “...иқлими мулойим, замини дуруст, сувлари (овқатни тез) ҳазм қилдиради, бу ерда отлар боқилади, юнг газлама, гилам, шолча ишланади. Бу вилоятнинг пайтахти Чағониён шаҳридир, тоғ этагида бино бўлибдир. Оқар сувлари бор. Иқлими яхши, аммо мардуми дарвишдир” деб маълумот келтириб ўтилади¹⁸³.

Чағониён илк ва ривожланган ўрта асрларда тарихий география нуқтаи назаридан унчалик ҳам тўлиқ ўрганилмаган ҳудуд ҳисобланади. Келажакда бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар Жанубий Ўзбекистоннинг бу муҳим ҳудуди тарихига ва тарихий географиясига

робот XIX аср иккинчи ярмида вайрона ҳолга келиб қолганлигини рус ҳарбий мутахассислари томонидан қайд этилади. Бу ҳақда қаранг. Маев Н. Очерки Гиссарского края ... – С. 251.

¹⁸² Батафсил қаранг: Мавланов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 94, 135, 196.

¹⁸³ Хасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Б. 44.

оид янги маълумотлар қўлга киритилишига олиб келиши шубҳасиздир. Бу эса ўз навбатида тарих фанини янги маълумотлар билан бойитади.

Шу тариқа илк ва ривожланган ўрта асрларнинг то мўғуллар босқинигача бўлган даврида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан бўлган Термиз ва Чағониённинг тарихи, тарихий географияси мураккаб ва ўзгарувчан тарихий жараён сифатида кўзга ташланади. Бу жараёнларни ўрганиш орқали ватанимиз тарихининг кўпгина муамоли саволларига жавоб топиш мумкин.

Хулоса.

Тадқиқотимизда кўриб ўтилган давр – V-XIII аср бошлари нафақат Марказий Осиё, шу билан бирга дунё тарихида сезиларли из қолдирган воқеа-ҳодисаларга бой давр ҳисобланади. Бу давр бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита даврга - илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрларга бўлиниб, уларнинг ҳар иккисиди ҳам Марказий Осиёнинг тарихий географиясига катта таъсир кўрсатган жиддий ўзгаришлар бўлганлигини кўриш мумкин.

Бу даврнинг биринчи қисмида “халқларнинг буюк кучиши”, Рим салтанатининг қулаши ва Византиянинг юксалиши, Эфталитлар давлати ва Турк ҳоконлиги каби қудратли давлатлар ташкил топиши, аҳоли миграцияси сабабли Марказий Осиёнинг деҳқончилик воҳаларига шимолий дашт ҳудудларидан чорвадор аҳолининг кириб келиши ва ўтроқлашуви кучайган давр сифатида аҳамиятлидир. Бу жараёнлар эса ўз навбатида бир қанча янги шаҳарлар ва кўплаб қишлоқлар барпо этилишига, минтақада демографик ўсиш бўлишига олиб келди.

Ўрта Осиёнинг V-XIII аср бошлардаги ташқи алоқалари географияси тўхтовсиз кенгайиб борди. Хусусан, илк ўрта асрларда Ўрта Осиё – Византия алоқалари асосида тарихий-маданий алоқаларнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Ўрта Осиё ва Хитой ўртасида мил. авв. II асрда бошланган мунтазам алоқалар илк ўрта асрларда ривожланиш даврига кирди. Хитойдан то Ўрта Ер денгизи қирғоқларигача етиб борган, рамзий равишда “Буюк ипак йўли” номи билан аталган бу халқаро транзит коммуникация йўли Ўрта Осиёнинг ташқи иқтисодий-маданий алоқалари тарихида, алоқа-савдо йўллари тизими ривожидида алоҳида муҳим босқични ташкил этади.

Илк ва ривожланган ўрта асрлар, шунингдек, Буюк ипак йўли орқали олиб борилган халқаро иқтисодий-маданий ва сиёсий муносабатлар юксак ривожланган, қарвон йўллари тизимининг самарали

фаолияти йўлга қўйилган давр сифатида аҳамиятлидир. Карвон йўллари ривожини билан боғлиқ равишда янги шаҳарлар пайдо бўлди, янги ерларнинг ўзлаштирилиши жадаллашди. Карвон йўллари иқтисодий-маданий алоқалари ривожига катта таъсир кўрсатди. Бу давр бир томондан илк ўрта асрларда суғд ва турк тили ва ёзувининг минтақанинг кўшни ўлкаларига тарқалиши ҳамда VIII асрдан араб тили ва ёзувининг давлат тили сифатида минтақада янада кенг ёйилиши билан ҳам характерланади¹⁸⁴.

Ўрта асрларда халқаро савдо билан шуғулланувчи ижтимоий табақалар – савдогарлар фаолияти ривожланди. Ички ва ташқи савдо билан шуғулланувчи йирик савдо уюшмалари шаклланди. Йўлбўйи иншоотлари қурилиши, тезкор алоқа-почта хизмати ва йўлларда тегишли хизмат кўрсатиш тизими ривожланиб борди. Буларнинг барчаси илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё жанубининг тарихий географиясидаги қатор муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Бу давр минтақада йирик шаҳарлар ва қишлоқларнинг барпо этилиши, аҳоли ўзлаштирган ҳудудларнинг тўхтовсиз кенгайиб бориши билан характерланади. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги янгиликлар мос равишда нафақат минтақанинг сиёсий чегаралари, шу билан бирга тарихий географиясида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Буни Ўзбекистоннинг жарубий вилоятлари бўлган Сурхондарё ва Қашқадарё мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу тариқа, илк ва ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиё, хусусан унинг жанубий ўлкаларида муҳим тарихий географик ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда вужудга келган сиёсий вазият, янги қудратли марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши, минтақанинг ички

¹⁸⁴ Минтақадаги қадимги ёзувлар ва уларнинг тарқалиш географияси ҳақида яна қаранг: Содиков Қ. Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент: 2004; Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008.

худудларига шимоли-шарқдан кўчманчи қабилаларнинг янги оқимларининг кириб келиши натижасида келиб чиққан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар Суғдиёна ва Шимолий Тоҳаристоннинг тарихий географиясига катта таъсир ўтказди. Келгусида бу мавзуда тадқиқотлар олиб бориш ўрганилаётган масалага тегишли кўпгина илмий муаммоларни ечиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин / Асарлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2-жилд.
- 1.2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
- 1.3. Каримов И.А. Буюк Ипак йўли – тараққиёт йўли. Европа – Кавказ – Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманда сўзланган нутқ (1998 й. 8 сентябрь. Боку) / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. – Б. 174-179.
- 1.4. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 15-жилд. – Б. 276-281.
- 1.5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

II. Манбалар

- 2.1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулов таржимаси) // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 88-174.
- 2.2. Абу Джа’фар Муҳаммад бин Джарир бин Йазид бин Касир бин Галиб ат-Табари. Тарихи Табари (“История” ат-Табари). Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И. Беляева.

- Дополнения к переводу О.Г. Бальшакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987.
- 2.3.** Абу Тоҳирхожа. Самария / Форсчадан А. Сатторий таржимаси // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 16.
- 2.4.** Ал-Истахри]. Извлечения из “Китаб месалик ал-Мемалик” ал-Истахри / Перевод с персидского С. Волина // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Под редакцией С.Л. Волина, А.А. Ромаскевича и А.Ю. Якубовского. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1939. Т. I. – С. 167-181.
- 2.5.** Беруний, Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган.– Тошкент: Фан, 1968. Т. I.
- 2.6.** Захриддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
- 2.7.** Ибн Фадлан. Книга о путешествии на Волгу в 921-922 годах // Звезда Востока. – Ташкент, 1992. – № 9-10. – С. 149-170.
- 2.8.** Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. (Китоб ал масалик ва-л мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Боку: Элм, 1986.
- 2.9.** Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля / Перевод Е.К. Бетгера // Труды САГУ. Археология Средней Азии. IV.– Ташкент: Изд-во САГУ, 1957. Вып. СХI – С. 13-40.
- 2.10.** Махмуд Ибн Вали. Баҳр ал-асрор фи манокиб ал ахйар. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод, примеч. и указатели Б. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977.
- 2.11.** Махмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1960. Т. I.

- 2.12. Прокопий Кесарийский. История войн римлян с персами / Перевод с греческого С. Дестуниса. – СПб., 1876. Ч. I.
- 2.13. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (403-1406 йиллар) / Рус тилидан О.Тоғаев таржимаси. – Тошкент: «O'ZBEKISTON» NMIU, 2010.
- 2.14. Хафиз-и Абру. География (Извлечения) / Перевод с персидского А. Буриева // Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X–XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 142-148.

Илмий адабиётлар.

- 2.15. Анарбаев А. Благоустройство средневекового горада Средней Азии (V – начало XIII вв.) – Ташкент: Фан, 1981.
- 2.16. Анарбаев А. Великий Шелковый путь и путешествие Сюань Цзая в Среднюю Азию // ОНУ. – Ташкент, 1999. – № 5-6. – С. 67-70.
- 2.17. Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба капитаномъ Архиповым // СМА. – СПб.: Военная типография, 1884. Вып. X. – С. 171-238.
- 2.18. Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф. Международной семинар ЮНЕСКО по проблемам Великого шелкового пути // ОНУ. – Ташкент, 1990. – № 12. – С. 46-48.
- 2.19. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. в 9 томах.– М.: Изд-во вост. лит, 1963. Т. I.
- 2.20. Бартольд В.В.. История культурной жизни Туркестана / Соч. в 9 томах. – М.: Изд-во вост. лит, 1963. Т. II.
- 2.21. Бартольд В.В. Туркестанский край в XIII веке (По рассказу китайского путешественника) / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 237-243.

- 2.22.** Бартольд В.В. Чаганиан. Работы по исторической географии . / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 558-559.
- 2.23.** Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Работы по источниковедению / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII. – С. 74-97.
- 2.24.** Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. –Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч. II.
- 2.25.** Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. – Самарканд–Бишкек, 2006.
- 2.26.** Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари: Халқаро илмий анжуман материаллари. – Самарқанд, 1994.
- 2.27.** Васильев. Маршрутное описание дороги отъ Келифа до Патта-Киссара // СМА. – СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 403-405.
- 2.28.** Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы научно-теоритической конференции. – Ташкент, 2006.
- 2.29.** Галиева З.И. Великий шелковый путь в трудах античных и китайских авторов // Вестник КНУ. – Бишкек, 2000. – № 3. – С. 170-181.
- 2.30.** Галкинъ А. Краткий военно-статистический очеркъ офицера Генеральнаго Штаба Туркестанского в. о. въ 1889 г. въ Бухарскомъ ханстве и въ южной части Самаркандской области // СМА. – СПб.: Военная типография, 1894. Вып. LVII. – С. 1-47.
- 2.31.** Гинтелло. Сведенія по интендантской части, собранныя въ Бухарскомъ ханстве капитаномъ Гинтелло въ мае и іюне 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI. – С. 1-53.

- 2.32.** Гулямов Я.Г. Исследование исторической географии низовьев Кашкадарьи и Зеравшана. ИМКУ. Вып.6. - Ташкент: Фан, 1965. № 21.
- 2.33.** Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – СПб.: СЗКЭО “Кристал”, 2003.
- 2.34.** Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые города и поселения восточной части Южного Согда // Античная культура Бактрии-Тохаристана и Согда. – Ташкент: Фан, 1979.
- 2.35.** Дудаков С. Раскопки пристани Кампыртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. – Ташкент, 2002. –С. 51-52.
- 2.36.** Еврейнов. Рекогносцировка пути через Джамский перевал на Гузар и на Карши 1887 г. Генерального Штаба полковника Еврейнова // СМА. – СПб.: Военная типография, 1888. Вып. XXXVI. – С. 112-146.
- 2.37.** Жалолитдин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.
- 2.38.** Зимин П.А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности. Сборник В.В. Бартольд. Туркестанский друзья, ученики и почитатели. – Ташкент: Наука, 1927. – С.197-214.
- 2.39.** Индия и Центральная Азия (доисламский период): Материалы международного семинара. – Ташкент, 2000.
- 2.40.** Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008.
- 2.41.** Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.) – Ташкент: Фан, 1977.
- 2.42.** Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал ансаб” Абу Са’ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993.

- 2.43.** Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996.
- 2.44.** Камолиддин Ш.С. К вопросу об этнической ситуации // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 233-237.
- 2.45.** Каримова Н. Сведения Хуэй Чао по истории Центральной и Южной Азии // Востоковедение. № 1. – Ташкент, 2015. – С. 45-51.
- 2.46.** Кашкадарьинская область. Т.1. Природа // Труды САГУ. Новая серия. Вып.155. Географические науки. Кн. 14. -Т.: САГУ, 1959. № 5.
- 2.47.** Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1998.
- 2.48.** Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005.
- 2.49.** Кобзева О.П. История изучения Великого шелкового пути во второй половине XIX–начале XX вв. – Тошкент: Zar Qalam, 2006.
- 2.50.** Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент, 1989. – С. 27-33.
- 2.51.** Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М.: Наука, 1990.
- 2.52.** Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб.: 1913.
- 2.53.** Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. – Ташкент: Фан, 1984.
- 2.54.** Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с сопредельными территориями // Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М.: Наука, 1990. – С. 101-107.

- 2.55.** Лунина С.Б. О возможном отождествлении Наукад Курайша // *Материалы по истории и археологии Средней Азии.* – Ташкент: Фан, 1975. – С. 3-14.
- 2.56.** Лунина С.Б. О торговых связях Кашкадарьинского оазиса в IX-XII вв. // *На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры.* – Т.: Фан, 1990. – С. 101-105.
- 2.57.** Мавлонов Ё.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008.
- 2.58.** Маев Н. Очерки Бухарского ханства // *Материалы для статистики Туркестанского края.* – СПб., 1879. Вып. V. – С. 77-328.
- 2.59.** Массон М.Е. Городище старого Термеза и их изучение. Труды Узбекского филиала АН СССР. Серия 1. Термезская археологическая комплексная экспедиция 1936 г. – Ташкент, 1940. – С. 5-122.
- 2.60.** Массон М.Е. Работы КАТЭ и ТашГУ по изучению восточной половины Кашкадарьинской области УзССР // *Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ.* – Ташкент, 1957. – № 533.
- 2.61.** Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973.
- 2.62.** Матвеев. Поездка Генерального Штаба полковника Матвеева по бухарским и афганским владениям в феврале 1877 г. // *Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии.* – СПб.: Военная типография, 1883. Вып. V. – С. 1-57.
- 2.63.** *Материалы Тохаристанской экспедиции // Археологические исследования Кампыртепа.* Вып. 1-3. – Ташкент, 2000-2002.
- 2.64.** Мец А. Мусульманский Ренессанс // *Перевод с немецкого, предисловие и указатель Д.Е. Бертельса.* – М.: Изд-во ВиМ, 1996.
- 2.65.** *На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры.* – Ташкент: Фан, 1990.

- 2.66.** Петров. Путевые заметки классного топографа тит. сов. Петрова 1884 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXL. –С. 53-110;
- 2.67.** Пидаев Ш.Р. Кўхна Термиз ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарканд, 1994. – Б. 52-53.
- 2.68.** Природные условия и ресурсы юго-западного Узбекистана. – Ташкент: Наука, 1965. № 58.
- 2.69.** Пугачева Г.А. К исторической топографии Чаганиана // Научные труды ТашГУ. н.с. вып. 200. Исторические науки. кн. 41. Археология Средней Азии, VI. – Ташкент, 1963. – С. 49-64.
- 2.70.** Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
- 2.71.** Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Ташкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1999.
- 2.72.** Сагдуллаев А. С. Древнесогдийские памятники. АО 1978 г. -М.: Наука, 1979. №.560 .
- 2.73.** Содиқов Қ. Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент: 2004.
- 2.74.** Ставиский Б.Я. Великий шелковый путь // Культурные ценности. – Ашхабад, 1995. Вып. II. – С. 21-32.
- 2.75.** Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 октября 1990 г. – Ташкент: Фан, 1990.
- 2.76.** [Хорошхин А.П.]. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края А.П Хорошхина. – СПб., 1876.
- 2.77.** Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.

- 2.78.** Чариев А., Ачилов М. Кашкадарьинская область. - Ташкент: Фан, 1974.
- 2.79.** Шахрисабз. Минг йилликлар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002.
- 2.80.** Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан / Пер. Е.В. Зеймаля и Е.И.Лубо-Лесниченко. – М.: Наука, 1981
- 2.81.** Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 годах. В двух томах. – СПб.: Типография д-ра М.А. Хана, 1883. Т. 2. – С. 1-387.
- 2.82.** Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар: Халқаро конференция материаллари. I қисм. – Тошкент: Университет, 2005.
- 2.83.** De La Vaissiere Etinne. Histoire des Marchands Sogdiens. – Paris: Institut des Hautes Etudes Chinoises, 2004.

III. Диссертация ва авторефератлар.

- 3.1.** Абдуқаюмов А.Р. Суғднинг илк ўрта асрлар даври хунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари: Тарих фанлари номзоди .. дисс. автореферати. – Ташкент, 2010.
- 3.2.** Кобзева Н.П. Великий шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения Европейскими учеными во второй половине XIX – начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.– Ташкент, Ўзбекистон Миллий Университети, 2001.
- 3.3.** Мавланов У.М. Коммуникации и торговые пути в Средней Азии: формирование и этапы развития: Автореферат дис. .. докт. ист. наук. –Ташкент, ЎзР ФА Тарих институти, 2009.
- 3.4.** Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшебе в эпохи раннего феодализма: Автореферат дис. .. канд. ист. наук. – Ташкент, ЎзР ФА Тарих институти, 2000.

- 3.5.** Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия – средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам Амударьинского правобережья).: Автореф. дис. ... докт. истр. наук. – М.: МГУ, 1988.

Шартли қисқартмалар

- АО – Археологические открытия. Москва.
- АИУ – Археологические исследования в Узбекистане. Тошкент.
- ВДИ – Вестник древней истории. Москва.
- ИИА – Институт истории и археологии. Ташкент.
- ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана. Ташкент.
- ЗИРГО – Записки Императорского Русского Географического общества. Санкт Петербург.
- КАТЭ – Кашкадарьинская археолого-топографическая экспедиция. Ташкент.
- МГУ – Московский Государственный университет. Москва.
- МСАЭ – Материалы советско-афганской экспедиции. Москва.
- МТЭ – Материалы Тохаристанской экспедиции. Ташкент.
- ОНУ – Общественные науки в Узбекистане. Ташкент.
- ПТКЛА – Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Ташкент.
- СА – Советская археология. Москва.
- САГУ – Среднеазиатский Государственный университет. Ташкент.
- САУ – Строительство и архитектура Узбекистана. Ташкент.
- СМА – Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. СПб.
- СПб – Санкт-Петербург.
- Таш ГУ – Ташкентский Государственный университет. Тошкент.
- ТошДУ – Тошкент Давлат университети. Тошкент.
- ТВ – Туркестанские ведомости. Ташкент.
- ТКЛА – Туркестанский кружок любителей археологии. Ташкент.
- Ўз МУ – Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент.
- Ўз МЭ – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент.
- ЎИФ – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент.

Иловалар

Иловалар.